БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 204
23 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон КП Марказий Комитетида (1-нчи бет).

Барча куч ва воситаларни пахта ҳосилини тез йиғиштириб олишга, кузги ишларни кучайтириб юборишга сафарбар этайлик! АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ. **С. Бондаренко.**— Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши кузги-қишки тадбирлар. **Н. Эгамназаров, Ш. Кузанбоев, У. Жонгитов.** — Октябрь районида пахта тайёрлаш ва кузги шудгорлаш кечикмоқда (2-нчи бет).

КИНО. **Ж. Меликянц.** «Ер» (2-нчи бет).

Мўғулистон Халқ-революцион партиясининг XII с'ездида (3-нчи бет).

Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг Совет ҳукуматига жавоб нотаси (3-нчи бет).

Совет ҳукуматининг 1954 йил 13 ноябрьдаги нотасига Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг жавоб нотаси (3-нчи бет).

Албания ҳукуматининг шу йил 13 ноябрьдаги совет нотасига жавоби (3-нчи бет).

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессиясида (3-нчи ва 4-нчи бетлар).

Мамлакатга кўпроқ пахта берайлик!

Тошкентда Ўрта Осиё республикалари, Закавказье ва Қозоғистон пахтачилик ходимларининг кенгаши тамом бўлди. Партия ва совет органларининг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз раислари, машина-трактор станциялари ва совхоз директорлари, бригада ва звено бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар, донгдор пахтакорлар тўрт кун давомида мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашди. Ўртоқ Хрушчев Тожикистон ва Ўзбекистондаги колхозларда, совхозларда ва қишлоқ хўжалик илмий муассасаларида бўлди.

Совет мамлакати пахтачилиқни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. СССРда пахта етиштириш йилдан-йилга кўпаймоқда. Лекин халқ фаровонлигини янада оширишдаги катта вазифалар ҳал қилинаётган ҳозирги шароитда пахта етиштиришни янада анча кўпайтиришни та'минлаш талаб қилинади.

Кенгаш Ўрта Осиёда, Закавказьеда ва Қозоғистонда пахта ҳосилини ошириш ва унинг ялпи маҳсулотини кўпайтириш учун ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас резервлар борлигини кўрсатди. Мамлакатнинг донгдор пахтакорлари кенгаш минбарига чиқиб, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 40—60 центнердан ва бундан ҳам ортиқ пахта етиштираётганликларини айтдилар.

Тожикистон ССРдаги Ворошилов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ўрунхўжаев ўзи бошчилик қилаётган колхоз пахта ҳосилини йилдан-йилга ошираётганлигини, давлатга пахта топшириш планини муддатидан илгари бажараётганлигини кенгаш қатнашчиларига сўзлаб берди. Бу колхоз — Ўрта Осиёдаги энг йирик колхозлардан биридир. Колхоз 2.400 гектардан ортиқ ерга чигит экиб, бу ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олмоқда.

Илғор бригадалар ва звенолар пахтадан янада юқори ҳосил олмоқдалар. Қирғизистон ССРдаги Молотов номли колхознинг икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Аноров бошлиқ бригадаси бу йил гектаридан 53 центнердан пахта олди. Озарбайжон пахта далаларининг донгдор устаси, «28 апрель» колхозининг Ўртоқ Бердиева бошлиқ звеноси ҳарбир гектар ердан 82 центнердан пахта етиштирди.

Илғорларнинг тажрибаси чигитни квадрат шаклда уялаб экиш ҳосилни оширишнинг жуда муҳим шарти эканлигини кўрсатди. Чигитни бу усулда экиш гўза қатор ораларини ишлашда машиналардан кенг фойдаланишга ва қўл меҳнати сарфлашни кескин суратда камайтиришга имкон беради. Тожикистон ССРдаги Куйбишев номли совхознинг тажрибаси шуни тасдиқлаётгани, гўза қатор ораларини одатдагича узунасига ишлаганда 1 гектар ерни ишлаш учун 36 ишчи куни сарфланса, машина билан узунасига ва кўндалангига ишлаганда икки мартадан ҳам камроқ ишчи куни сарфланади.

Кенгашда Тожикистон далаларининг меҳнаткашлари тўғрисида қўпгина самимий сўзлар айтилди. Бу республика пахтачилик ҳосили жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринни олиб турибди. Тожикистон пахтакорлари 1952 йилдаёқ пахта ҳосили бўйича бешйиллик планнинг сўнгги йили учун белгиланган даражага эришдилар. Республика давлатга пахта топшириш планини йил сайин муваффақиятли бажариб келмоқда.

Тожикистон эришган муваффақиятларнинг сири нимада? Бунинг сири шундаки, республика колхозлари, машина-трактор станциялари ва совхозлари пахта етиштиришнинг янги методларини дадиллик билан жорий қилмоқдалар. Қатор ораларини торайтириб чигит экиш бу методлар орасида энг муҳимидир. Бундай методни қўлланиш гўза тупларининг қалинлигини ва демак, пахта ҳосилини анча ошириш имконини беради. Республика колхозлари ва совхозлари чигитни квадрат шаклда уялаб экишни кенг жорий қилиб, гўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашни машиналаштирдилар ҳамда қўл меҳнати сарфлашни жуда камайтирдилар.

Ўзбекистонда эса пахтачилик ишларининг аҳволи бошқачадир. Ма'лумки, Ўзбекистон ССР пахта майдонларининг миқдори ва пахтанинг ялпи ҳосили жиҳатидан мамлакатимизнинг пахта етиштирувчи республикалари орасида биринчи ўринни олиб келмоқда. Республикада ишда ажойиб намуналар кўрсатаётган юзларча ва мингларча пахтачилик усталари бор. Бир вақтлар Ўзбекистон пахта ҳосили жиҳатидан ҳам мамлакатда биринчи ўринни олиб турган эди. Лекин ҳозир бу биринчилик қўлдан кетди. Ўзбекистоннинг кўпгина районлари ва бутун-бутун областьлари кейинги йилларда пахта ҳосилини кўпайтирмадилар, балки аксинча, пахта ҳосилини камайтириб юбордилар. Натижада Ўзбекистон сурункасига уч йил пахта тайёрлаш планини бажармади ва давлатга бу қимматли хомашёни юз минглаб тонна камроқ берди. Бу йил ҳам Андижон, Наманган, Тошкент ва Самарқанд областьларидек асосий пахтачилик областьларида пахта тайёрлаш сур'ати ниҳоятда суст бўлиб келмоқда.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси Ўртоқ Юсупов сўзга чиқиб, республика пахта ҳосили жиҳатидан кўп йиллар давомида олиб келган биринчиликни қўлдан бой берганлигини э'тироф этишга мажбур бўлди. Лекин у ўз сўзида республикани қолоқликка олиб келган сабабларни очиб бермади. Бу сабаблар эса Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда айниқса равшан очиб ташланди. Бу сабаблардан асосийлари республиканинг ба'зи раҳбар ходимларида ва шу жумладан Ўртоқ Юсуповда ҳам пахта етиштиришнинг илғор усулларига нисбатан консерватизм ва э'тиборсизликнинг борлигидир.

Қўшни Тожикистон республикасида пахтанинг қандай етиштирилаётганлиги Ўзбекистон раҳбар ходимларига кўпдан бери ма'лум. Бунинг устига, Ўзбекистоннинг ўзида илғор колхозлар чигитни квадрат шаклда уялаб экиш усулини муваффақиятли равишда ўзлаштирабошладилар. Лекин новаторларнинг тажрибаси умумлаштирилмаётир, барча колхозларга ва совхозларга ёйилмаётир.

Кенгаш қатнашчилари СССР Қишлоқ хўжалик министрлигини ва унинг маҳаллий органларини пахта етиштируви республикалардаги колхозларга ва МТСларга канцеляриячилик, бюрократик методлар блан раҳбарлик қилганликлари учун кескин танқид қилдилар. Қишлоқ хўжалик органлари, масалан, бир районнинг ўзида бир колхоз гектаридан 40 центнердан, бошқа колхоз эса гектаридан атиги 10—15 центнердан ҳосил олаётганлигининг сабабларини ўрганмайдилар, қолоқ колхозларни илғорлар даражасига етказиш учун амалий чораларни кўрмайдилар.

Кенгашда Тошкентга яқин жойдаги иккита қўшни колхоз тўғрисида ибратли мисол келтирилди. Тажрибали пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Турсунқулов бошчилик қилаётган Каганович номли колхоз йил сайин пахтадан Шверник номли қўшни колхоздагига қараганда икки—икки ярим баравар ортиқ ҳосил олиб келган. Бу аҳвол кўп йиллар давом этиб келган, лекин қолоқ колхозни ўнирилишдан қандай қилиб чиқаришни республикада ҳеч ким ўйламаган. Фақат шу йилгина бу колхозни қўшни илғор колхоз блан бирлаштирдилар. Натижада аҳвол бундай бўлди: илгари гектарилан 11 центнердан пахта ҳосили олиниб келган ерларда бу йил ҳар гектардан 28 центнердан ҳосил олинди. Ҳамма гап меҳнатни ташкил қилишда, пахтачиликни комплекс равишда механизациялаштиришда, илғор тажрибани қунт блан жорий қилишда экан.

Кенгашда ер қазийдиган, тупроқни ишлайдиган, чигит экадиган, пахта терадиган ва пахта тозалайдиган янги машиналарни яратиш ва мавжуд машиналарни яхшилаш масалаларига катта э'тибор берилди. Шунингдек пахта тайёрлаш пунктларида қўл меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштириш ҳам кўпдан зарур бўлиб қолди. Пахтакорларнинг овозига сезгирлик блан қулоқ солиш, уларнинг талабларини тезроқ қондириш — машинасозлик ходимларининг бурчи ва вазифасидир.

Ҳозирги вақтда пахта етиштируви республикаларнинг меҳнаткашлари олдида — пахта йиғим-теримини муваффақиятли тугаллаш ва пахта тайёрлаш планини тўла ва ошириб бажариш учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди. Партия ташкилотлари пахтакорларнинг бу вазифаларни тез вақт ичида амалга ошириш йўлидаги социалистик мусобақасига бошчилик қилишлари лозим. Давлатга пахта топшириш планини муддатидан илгари бажарган Озарбайжон ССР, Қашқадар'ё ва Ашхабод областьларининг колхозчилари ва механизаторлари бу соҳала ажойиб ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бутун мамлакат бўйича 15 ноябрьгача ўтган йили шу вақтдагига қараганда 354 минг тонна кўпроқ пахта тайёрланган. Ҳозирги вақтда вазифа ҳосилни сўнгги кўрагигача йиғиб-териб олишдан иборат.

Шу блан бирга кузги шудгорлаш сур'атини кескин суратда тезлаштириш, ерларнинг шўрини ювиш, суғориш шоҳобчаларини тозалаш ишларини ҳамда келгуси йилги ҳосил тақдирини ҳал қиладиган бошқа кузги-қишки ишларни қизитиб юбориш зарур.

Кенгаш қатнашчилари Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье районларидаги барча колхозчиларга, совхоз ва МТС ходимларига ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Мурожаатда далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришнинг янги усулларини жорий қилиш, пахта етиштиришни кўпроқ механизациялаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, пахтанинг серҳосил ва тезпишар янги сортларини етиштириш, шунингдек чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган.

Маҳаллий партия ташкилотларининг вазифаси — олинган мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажариш учун, пахта етиштиришни кўпайтириш учун пахтакорларнинг умумхалқ мусобақасини кенгайтириб юборишдан иборатдир!

(«ПРАВДА» газетасининг 22 ноябрьдаги бошмақоласи).

ВЦСПС президиумида

Бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун Москва илғор корхоналарининг ташаббуси юзасидан социалистик мусобақани кучайтириб юбориш тўғрисида

ВЦСПС президиуми бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун Москва илғор корхоналарининг ташаббуси юзасидан социалистик мусобақани кучайтириб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда бундай дейилади: Москва илғор корхоналари коллективларининг ватанпарварлик ташаббуси кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида қизғин қўллаб-қувватлаб кутиб олинди. Саноат, транспортнинг ҳамма тармоқларидаги ходимлар, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари социалистик мусобақага қўшилмоқдалар. Улар ўз резервларини ҳисоблаб чиқиб, бешинчи бешйилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан конкрет мажбуриятлар қабул қилмоқдалар.

ВЦСПС президиуми бу ташаббусга муҳим аҳамият бериб, касаба союз ташкилотларига бу ташаббусни ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилишни, бу ватанпарварлик ташаббусининг халқ хўжалигини янада юксалтириш ва халқнинг фаровонлигини ошириш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кенг тушинтиришни таклиф этди. Касаба союз комитетлари хўжалик раҳбарлари блан биргаликда, ишчилар, мастерлар ва инженерларнинг иштироки блан, меҳнат унумини анча ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни узлуксиз кўпайтириб бориш учун қўшимча резервларни излаб топишлари лозим.

ВЦСПС президиуми касаба союзларининг марказий, республика, область, фабрика-завод комитетларига ва советларига оммани меҳнат унумини янада оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажаришга сафарбар қилиб, социалистик мусобақага раҳбарликни қат'ий равишда яхшилаш, оммани уюштириш соҳасидаги жонли амалий ишга куч-қувватни тўплаш мажбуриятини юклади. Ишлабчиқариш новаторлари ва рационализаторларини бутун чоралар блан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибаларидан ва муваффақиятларини кенг ёйиш, бунинг учун илғор иш методларини ёқтирмаслик, ёйилиш ва ишлабчиқариш кенгашларидан фойдаланиш, орқада қолаётганлар устидан энг яхши ишчилар, инженерлар ва техникларнинг оталигини ташкил қилиш зарур.

Социалистик мусобақани кучайтириб юборишда касаба союзларининг асосий вазифаси қолоқ участкаларга, цехларга, корхоналарга ва иш нормаларини бажармаётган айрим ишчиларга мумкин қадар кўпроқ ёрдам беришдан, уларни илғорлар даражасига кўтаришдан иборат бўлмоғи лозим. Меҳнатни ташкил қилишни ва техникадан фойдаланишни яхшилашга ғайрат блан эришиш, ишлабчиқаришни рационализация қилишга инженерлар, техникларни, ишчи ва хизматчиларни кенг жалб қилиш лозим. Ташкилий-техникавий тадбирлар соҳасидаги планларнинг бажарилиши, рационализаторлар ва ихтиро'чилардан тушган таклифларнинг жерий қилиниши устидан амалий жамоат контролини ташкил қилиш зарур.

ВЦСПС президиуми касаба союзларининг маданий-оқартув муассасалари — клублар, маданият уйлари ва саройларига, қизил бурчакларга, кутубхоналарга бешинчи бешйиллик планларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада ривожлантиришнинг аҳамиятини тушунтириш юзасидан ишчи ва хизматчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий ишларда актив қатнашиш мажбуриятини юклади. Фабрика-завод комитетлари ва маҳаллий комитетлар ишчи ва хизматчиларнинг умумий билимини ва техника савиясини юксалтириш соҳасидаги ишларга касаба союзларининг бу муассасаларини жалб қилишлари, уларнинг фаолиятини илғор тажрибани кенг ёйишга, ишлабчиқариш илғорларининг муваффақиятларини ва иш методларини кўрсатишга, ишлабчиқариш техника пропагандасини кучайтиришга қаратишлари лозим.

ВЦСПС президиуми барча ишчиларни, инженер-техник ходимларни ва хизматчиларни бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада актив қатнашишга, халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ва совет кишиларининг фаровонлигини оширишнинг негизи бўлган юксак меҳнат унуми учун қураш ҳаракатини кучайтириб юборишга чақиради. (ТАСС).

ВЦСПС секретариатида

Касаба союзларининг халқ судлари сайловида иштироки тўғрисида

ВЦСПС секретариати касаба союзларининг халқ судлари сайловида иштироки тўғрисида қарор қабул қилди.

Галдаги сайлов, дейилади қарорда, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва қурилишнинг ҳамма тармоқларида меҳнат ғайрати янада ошган бир шароитда, бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ва маданий савиясини юксалтириш учун социалистик мусобақа кучли равишда қизиб кетган шароитда ўтади. Халқ судлари сайлови суд ишларини янада яхшилашга ва Совет социалистик давлатининг қонунларини жуда пухта амалга оширишга қаратилган энг муҳим сиёсий кампаниядир.

ВЦСПС секретариати ҳамма касаба союз ташкилотларига халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўришда ҳамда сайловни ўтказишда актив қатнашиш, фабрика ва заводларда, шахта ва конларда, МТС ва совхозларда, муассаса ва ўқув юртларида халқ судлари составига Ватанимизнинг муносиб ўғил ва қизларини сайлаш учун кенг оммавий-агитация ишларини кучайтириб юборяш мажбуриятини юклади.

Корхоналарда, клубларда, маданият уйлари ва саройларида, қизил бурчакларда ва ётоқхоналарда сайловчилар учун СССР Конституцияси тўғрисида, совет судининг демократик принциплари, совет революцион қонунчилиги тўғрисида лекциялар, докладлар ва суҳбатлар ташкил қилиниши лозим. Ҳарбир сайловчини халқ судлари сайлови тўғрисидаги низом блан таништириш керак. Сайловчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун касаба союзларининг бадиий ҳаваскорлик коллективларини жалб қилиш зарур.

ВЦСПС ишчиларни, хизматчиларни, инженерларни, техникларни, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, фан ва маданият ходимларини, касаба союзларининг барча а'золарини сайловда актив қатнашишга, халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари составига ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, интеллигенциянинг оммa ўртасида обру ва ишонч қозонган ҳамда совет адолатли судини амалга оширишга қобилиятли бўлган вакилларини сайлашга чақиради. (ТАСС).

Қозонда В. И. Ленинга ҳайкал очилди

ҚОЗОН, 21 ноябрь. (ТАСС). В. И. Ульянов (Ленин) номидаги Қозон давлат университетининг 150 йиллик юбилейини нишонлаш юзасидан университетнинг асосий эшиги олдидаги майдонда шу университетда ўқиган ва революцион фаолиятини бошлаган студент Владимир Ульянов (Ленин) га ҳайкал қурилди.

Бугун ҳайкалнинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Ёш Ленинга қурилган ҳайкални университет ректори, физика-математика фанлари доктори Нужин очди. Ҳайкал устидаги парда тушади, партия гимни — «Интернационал» мелодияси янграйди. Тўпланганлар олдида — ялангбош ва магрурона олга тикилиб турган 17 яшар студент Володя Ульяновнинг бронзадан ишланган скульптураси намоён бўлади.

Митингда Қозон шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Шайдулин, Қозон медицина институтининг профессори Мурат, университет студенти Скребкова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ҳайкал Сталин мукофоти лауреати, ҳайкалтарош Цигаль ва архитектор Калининнинг проекти бўйича қурилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети пахта териш ва тайёрлаш юзасидан областьлар, районлар, МТСлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1954 йил 11 ноябрьдан 21 ноябрьгача бўлган якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ўтган 10 кунликда пахта тайёрлашда юқори кўрсаткичга эришган, давлатга топширган пахтани юқори сифатли қилиб ўтказган қуйидагиларда қолдирилсин:

шу жумладан Тошкент области бўйича:

Оржоникидзе районида (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Тошпўлатова**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Афзалов**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Юсупов**), бу район ўтган 10 кунликда пахта тайёрлашда 5,11 процент ўсишга эришган ва пахта тайёрлаш давлат планини 87,77 процент бажарган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Ўзбекистон ССР бешйиллиги»** совхозида қолдирилсин (совхоз директори Ўртоқ **Иброҳимов**, бош агрономи Ўртоқ **Гусаров**, бош инженер-механиги Ўртоқ **Мостовой**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Мухаммадкулов**, ишчилар комитетининг раиси Ўртоқ **Скромний**), бу совхоз ўтган 10 кунликда пахта тайёрлашда 7,30 процент ўсишга эришган ва пахта тайёрлаш давлат планини 78,60 процент бажарган.

Ўзбекбирлашувга (Ўртоқ Юнусов) шу қарорга мувофиқ илғор колхозлар, энг яхши теримчиларни мукофотлаш учун областьлар ва районларга 20 та юк автомашинаси, 10 та енгил автомашина ва 100 та тикув машинаси юбориш вазифаси топширилсин.

Илғорларга кўчма Қизил байроқ берилди

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар, машина-трактор станциялари, колхозлар, совхозлар ва қишлоқ советлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1954 йил 10 ноябрьдан 20 ноябрьгача бўлган даврдаги якунини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқоричирчиқ районида** (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Иброҳимов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Абдуллаев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Болқибеков**) қолдирилсин. Бу район ўнкунликда давлатга йиллик планнинг 4,42 процентини миқдорида пахта топширган. Районда шудгорлаш плани 26,6 процент бажарилган.

2. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оққўрғон районидаги Сталин номли 16-нчи совхозга** (совхоз директори Ўртоқ **Бухаров**, бош агроном Ўртоқ **Бойметов**, бош инженери Ўртоқ **Корниенко**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ойхўжаев**, комсомол ташкилотининг секретари Ўртоқ **Бобин**) берилсин. Бу совхоз пахта топшириш планини 92,16 процент бажарган ва 10 кунликда 4,67 процент миқдорида пахта тайёрлаган. Кўчма Қизил байроқ Сирдар'ё районидаги «Малик» совхозидан олиб берилсин.

3. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Верхне-волинск районидаги Карл Маркс** номли колхозга (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Султонов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Зуманов**) берилсин. Бу колхоз давлатга пахта топшириш планини 101 процент бажарган ва 10 кунликда йиллик планнинг 4,4 проценти миқдорида пахта тайёрлаган. Кўчма Қизил байроқ Чиноз районидаги Шверник номли колхоздан олиб берилсин.

4. Область ижроия комитетининг ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Пискент районидаги 2-нчи МТС га берилсин. Бу МТС йиллик шудгорлаш планини 19,3 процент бажарган ва 10 кунликда шудгор қилишда 15,3 процент ўсишга эришган.

5. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Верхне-волинск районидаги Чкалов** қишлоқ советига (қишлоқ советининг раиси Ўртоқ **Кулметов**) берилсин. Бу қишлоқ советида йиллик пахта тайёрлаш плани 101 процент бажарилган ва 10 кунликда давлатга йиллик планнинг 4,4 проценти миқдорида пахта топширилган. Қизил байроқ Чиноз районидаги Яллама қишлоқ советидан олиб берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

1954 йил 22 ноябрьда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-текшириш муассасаларининг кўп йиллик ва самарали ишлари учун мукофотланган илмий ходимларига СССР орден ва медальлари топширди.

Мукофотланганлар номидан қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, тупроқшунослик институтининг бўлим раҳбари Николай Васильевич Кимберг, биология фанлари доктори, ботаника институтининг директори Қодир Зокирович Зокиров, биология фанлари доктори, Фанлар академиясининг президенти Теша Зоҳидов, биология фанлари кандидати, қишлоқ хўжалик институтининг старший илмий ходими Анна Аркадьевна Бородулина ва химия фанлари кандидати, химия институтининг лаборатория раҳбари Абдулла Султонович Султонов ўртоқлар чиқиб сўзладилар.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов СССР орденлари ва медальларини топшириб, мукофотланганларни қизғин табриклади ҳамда уларнинг самарали ишларида янада муваффақиятлар тилади.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 22 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдар'ё	0,33	93,66	Ховос	0,24	74,90
Мирзачўл	0,32	89,73	Чиноз	0,35	74,60
Верхне-волинск	0,31	89,41	Янгийўл	0,46	73,71
Оржоникидзе	0,94	88,26	Октябрь	0,30	69,54
Калинин	0,64	86,08	Оҳангарон	0,69	66,86
Юқоричирчиқ	0,40	85,85	Бекобод	0,27	66,01
Гулистон	0,33	84,41	Пискент	0,31	62,21
Қуйичирчиқ	0,60	79,94	Паркент	0,75	60,28
Бўка	0,35	75,87	Уртасарой	0,27	59,98
Оққўрғон	0,34	75,01	Уртачирчиқ	0,33	59,54

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 22 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	0,36	103,33	2-нчи «Боёвут»	0,19	75,46
16-нчи совхоз «ЎзССР бешйиллиги»	0,39	93,15	2-нчи «Далварзин»	0,20	73,52
1-нчи «Боёвут»	0,60	79,94	17-нчи совхоз	0,26	70,65
3-нчи «Боёвут»	0,17	79,59	3-нчи «Далварзин»	0,12	61,81
1-нчи «Далварзин»	0,32	77,63	4-нчи «Боёвут»	0,20	61,54
	0,23	76,61			

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА КУЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 20 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(МТС зоналари бўйича)

МТСларнинг номи	Планнинг бажарилиши	МТСларнинг номи	Планнинг бажарилиши
1-нчи Оққўрғон	5,8	2-нчи Қуйичирчиқ	54,4
2-нчи Оққўрғон	7,0	3-нчи Қуйичирчиқ	47,2
1-нчи Оҳангарон	5,6	Октябрь	6,5
2-нчи Оҳангарон	4,2	Оржоникидзе	17,0
1-нчи Бекобод	15,0	Паркент	12,3
2-нчи Бекобод	6,5	Пахта	5,5
3-нчи Бекобод	6,9	1-нчи Пискент	3,8
1-нчи Бўка	2,1	2-нчи Пискент	19,3
2-нчи Бўка	1,6	1-нчи Уртачирчиқ	10,6
1-нчи Верхне-волинск	5,7	2-нчи Уртачирчиқ	14,4
2-нчи Верхне-волинск	16,7	1-нчи Сирдар'ё	12,5
1-нчи Юқоричирчиқ	22,5	2-нчи Сирдар'ё	9,2
2-нчи Юқоричирчиқ	32,4	1-нчи Тошкент	56,2
1-нчи Гулистон	4,9	2-нчи Тошкент	54,6
2-нчи Гулистон	10,3	1-нчи Уртасарой	13,4
3-нчи Гулистон	7,0	2-нчи Уртасарой	4,1
Калинин	46,2	1-нчи Ховос	—
Қорасув	86,1	2-нчи Ховос	3,7
1-нчи Мирзачўл	12,5	Чиноз	5,4
2-нчи Мирзачўл	11,0	1-нчи Янгийўл	6,4
1-нчи Қуйичирчиқ	58,7	2-нчи Янгийўл	7,7

Барча куч ва воситаларни пахта ҳосилини тез йиғиштириб олишга, кузги ишларни кучайтириб юборишга сафарбар этайлик!



Бекобод районидаги «Далварзин» пахта тозалаш заводи ҳузуридаги қабул пунктига ҳар куни юзларча тонна пахта келтирилади. **Суратда:** пунктнинг умумий кўриниши.

А. Ким фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Келгуси йилда гектаридан 60 центнердан пахта берамиз

Бўка районининг қадимда экин экилмай, ташландиқ бўлиб ётган ерларига кўчиб келганимизга 4 йил бўлди. Биз илгари Паркент районида ғаллачилик ва чорвачилик блан шуғулланар эдик. У вақтларда пахта етиштириш соҳасида бизда ҳечқандай тажриба йўқ эди. Бизнинг Паркентдаги Фрунзе номли колхозимиздан Бўка районига жуда кўп кишн кўчиб келди ва бу ерларда экин майдонини кенгайтириш учун ғайрат блан ишга кириштн. Янгидан ташкил этилган колхозга «Ленинизм» номи берилди.

«Ленинизм» колхозининг азамат кишилари 1950 йилдан бери ерларни тобора кўп ўзлаштириб, унинг унумдорлигини оширмоқдалар, шу блан бирга пахта майдонини узлуксиз кенгайтирмоқдалар. Дастлабки йилларда 350 гектар ерга эга бўлган бўлсак, бу йил колхознинг пахта майдони 1366 гектарга етказилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш учун ғайрат блан ишлаётган «Ленинизм» колхозининг а'золари бу йил катта майдонларда айниқса мўл ҳосил етиштирдилар. Шунингдек, мен ишлаётган бригада далаларида ҳосил мўл бўлди. Бригадамиз а'золари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 25,5 центнердан пахта топшириб, йиллик планни анча ошириб бажардилар.

Янги ерлардан мўл ҳосил олишда мен бошчилик қилаётган звено а'золари ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Биз ҳар йили ҳам ерни агротехника қоидалари асосида ишлашга айниқса зўр э'тибор берамиз. Ҳар йили ҳам чигитни кузда шудгор қилинган ерларга эрта кўкламда бороналаб экамиз. Чигитни ундириб олиш, ғўза парваришини сифатли ўтказиш мўл ҳосил учун кураш да ҳал қилувчи шартлардандир. Бизнинг звено ерлари табиий жиҳатдан сувни кўп талаб қилади. Биз буни э'тиборга олиб, ғўзани ўсиш даврида ва ҳосил тугаётган пайтда унинг қониб сув ичишига алоҳида аҳамият берамиз.

Агротехниканинг ана шу қоидалари тўла амалга оширилаётгани сабабли, ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, йиллик планни ошириб бажараётирмиз. Бу йил звеномиз а'золари гектаридан 29 центнердан пахта етказиб бериш тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олган эдилар. Бу мажбуриятни ошириб бажариш йўлида зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилган колхозчилар 14 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлдилар. Бундай юқори ҳосилни етиштиришда Фарида Тожиева, Ҳоллон Жанғабоева сингари меҳнатсевар колхозчилар айниқса ғайрат кўрсатдилар.

Биз қўлга киритилган муваффақиятимиз блан хотиржам бўлиб қолмаймиз. Келгуси йилда пахта майдонини яна кенгайтириб, ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб ерларимизни тайёрлаб кўямиз. Кузги шудгорни ўз вақтида сифатли ўтказишга ҳаракат қиламиз. Агротехниканинг барча янги усулларини пахтачиликда кенг қўлланамиз.

А. СУЛТОНОВ,

Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

Шералиота бошлиқ бригадада

Гулистон районидаги Молотов номли колхозинг ўртоқ Шералиота Мингбоев бошлиқ бригада а'золари 77 гектар ерда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Бригаданинг 35 а'зоси уюшқоқлик блан йиғим-терим ишларида қатнашиб, яхши натижаларга эришдилар. Илғор теримчилардан С. Нормуродова, М. Шерқулова, Ч. Файзиева каби ўнлаб ўртоқлар мавсум нормаларини ошириб бажардилар.

Бригада а'золари ғайрат блан меҳнат қилиб, ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил топшириб, пахта тайёрлаш давлат планини 107 процент қилиб бажардилар. Бригада а'золари бу муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш учун далаларга солган ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиб давлатга топшириш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётирлар. Улар Ўзбекистон ССРнинг тонли 30 йиллиги юбилейини плансдан ташқари яна 30 тонна пахта топшириш блан кутиб олиш учун астойдил курашаётирлар.

М. МИРТОЖИЕВ.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАР

Ўтган йили Янгийўл, Чиноз ва бошқа айрим районларда пахта майдонларининг кўп қисми кузда шудгор қилинмай қолиб, баҳорда то чигит экиш тугаллангунча ер ҳайдашни давом этдиришга тўғри келган эди. Бу районлардаги пахта майдонлари кузда шудгор қилинмаганлиги сабабли эрта кўкламда ҳархил бегона ўтлар тез ўсабошлади ва уларда тез орада турли зараркунандалар пайдо бўлиб, кўпаябошлади. Чунки, ер кузда ҳайдалмаганидан, далаларга зараркунандаларнинг кўпчилиги бемалол қишлаб чиққан эди. Баҳорда ўт кўринишн блан улар дарҳол ўтга кўчиб ўтиб, озиқланабошладилар.

Кузда шудгор қилинмаган ер баҳорда ҳайдалса, чигит экишгача ўтларда урчиб улгирган зараркунандалар тезда ғўза майсаларига ўтиб, зарар етказабошлайдилар. Кўпинча колхозларда ер баҳорда ҳайдалганда, колхоз раҳбарлари далани текшириб, унда эндигина пайдо бўлаётган зараркунанда ўчоғларини аниқлаб, йўқотиш тадбирини кўрмайдилар. Улар, бу маҳалда далада зараркунанда бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун зараркунанда қачон ғўзада пайдо бўлиб қолса, шундагина уни йўқотишга киришадилар. Натижада анча меҳнат ва маблағ ортиқча сарф қилинади.

Агар экин ерлари кузда шудгор қилиб қўйилса, аҳвол бутунлай бошқача бўлади. Ма'лумки, кўпгина зараркунандалар, масалан: ўргимчаккана, шира, трипс, ғўза тунлами ва бошқалар ёзда қаерда яшаган бўлсалар, ўша ернинг ўзидан қишлов жойи топадилар. Улар ер остига 8—12 сантиметр чуқурликкача кириб оладилар. Шунингдек, далада қолган ўсимлик қолдиқлари орасида, кесаклар остида, тўкилган барглларда, уватларда, дарахт кавакларида, дарахтларнинг қуриган пўстлоқлари орасида қишлаб чиқадилар. Шундай қилиб, уларнинг кўпчилиги кишда ўлмай қолиб, эрта баҳорда ўтга ва ундан экинларга ўтадилар.

Шуцинг учун қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунанда ва касалликларига қарши курашни куздан бошлаш керак. Бунинг учун кўз пайтида қўйидаги тадбирлар амалга оширилиши зарур. Биринчи навбатда, барча пахта майдонларидаги ғўзапоялар илдизи блан суғуриб, дарҳол далада олиб кетилиши лозим. Чунки, бу далада ялгаридан гоммоз ҳамда сўлиш касаллиги юз берган бўлиши мумкин. Бу ғўзапоя илдизлари далада қолиб кетса, бу касалликларнинг келгуси йилда яна ғўзаларга юқиши турган гап. Гоммоз ва сўлиш касалликлари ғўзага қаттиқ зарар етказади, уни ғўза ўсиб турган пайтда йўқотиш ҳам жуда қийин бўлади.

Агар экин майдонлари кузда яхши шудгор қилинса, уватлар, йўл ёқалари ва ҳарҳил бегона ўтлар ўсиб ётган дўнглар текисланиб юмшатилса, зараркунандалар тупроқ остига чуқур кўмилиб кетиб, ҳалок бўладилар. Бундан ташқари, шудгор қилинган ерда баҳорда ўргимчаккана ва шунга ўхшаш бошқа ҳашаротлар пайдо бўлиб қолса, улар овқат тополмасдан қиралиб кетадилар.

Ҳали бирқанча колхозларда экин майдонлари тамомила йириклаштирилмаган. Бу ерларда кераксиз ўват, марза, ариқ ва йўллар кўп. Булар фақат қишлоқ хўжалик ишларини, айниқса машиналардан фойдаланишни қийинлаштирибгина қўймасдан, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашни ҳам қийинлаштиради. Шунинг учун ҳарбир колхоз экин майдонларини йириклаштириш ишларини тезлаштириши, ортиқча ўват, марзаларни бузиб ташлаши, ариқ ва йўлларни йўқотиши керак.

Янги суғориш системасига ўтиш планига мувофиқ, тутзорлар далалардан четлаштирилиши ҳамда далалардаги тут дарахтлари мазкур тутзорларга кўчирилиши лозим. Бу иш ҳали кўп колхозларда тўла амалга оширилмаётир. Колхознинг янги ер тузиш планига мувофиқ тутларни далалдан чиқариш чораларини кўриш керак. Ҳозирча кўчирилиши мумкин бўлмаган ва сақланиши лозим бўлган тутлар танасининг, каллақларининг кузда тозаланиши, қуриган бутоқлари олиб ташланиши, кавак, ариқлари бекитилиши ва дарахт остидаги ер юмшатилиши зарур.

Колхозлар зараркунанда ва касалликларга қарши курашнинг куз ва қишки тадбирларини тўла амалга оширганларидагина экинни уларнинг зараридан сақлаб қолишга эришоладилар. Шундагина экинлар яхши ўсиб, улардан мўл ҳосил олинади. Шу блан бирга, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда сарф этиладиган меҳнат ва маблағлар тежалади. Бу, колхоз даромадининг ошишига ёрдам беради.

С. БОНДАРЕНКО,

Агроном-энтомолог.

Октябрь районида пахта тайёрлаш ва кузги шудгорлаш кечикмокда

Пахта ва Шўралисой, шунингдек Октябрь районидаги бошқа тайёрлов пунктларига ҳар куни пахта карвонлари келиб турмоқда. Йўллардан автомашиналар ва автокачкалар ўтиб туради. Ўзоқдан қараган кишига районда пахта тайёрлаш бир ме'ёрда бораётгандай туюлади. Лекин бу карвонлар ишн блан чўқурроқ танишган кишн, уларнинг пунктга қайтадан келаётганлигини, шунингдек, пунктга келган айрим карвонлар ҳосилни тоншираолмай, қайтиб кетаётганликларини тушуниб олади.

Районда кўпчилик колхозлар етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш ва пешма-пеш давлатга топшириш учун барча моддий-техника кучларини ишга солишга уринмоқдалар. Район раҳбарлари колхозларда бўлиб, пахтазорларни айланиб, правление а'золарига ва бошланғич партия ташкилотларига пахта тайёрлаш сур'атини тезлаштириш ҳақида йўл-йўриқлар бериб туришмоқда. МТС ва колхоз раҳбарлари ҳам пахта ва кўсак териш ишларини тезлаштириш учун барча чораларни кўраётирлар.

Айрим колхозларда меҳнат тўғри уюштирилганлиги, моддий-техника кучларидан тўғри фойдаланилаётганлиги натижасида йиғим-терим ишларида бирмунча олдинга силжиш бошланган. Калинин номли ва Хрушчев номли колхозлар пахта тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бу колхозларнинг илғор бригадалари ва звеноларн пахта тайёрлаш йиллик планларини бажариб, ҳозирги вақтда плансдан ташқари ҳосил топширмоқдалар. Бу колхоз пахтакорлари ҳали йиғиб-териб олинмаган ҳосилнинг нобуд бўлмаслиги учун, уни тезлик блан йиғиб-териб олиш мақсадида ерларни ғўзапоядан тозалаб, келгуси йил мўл ҳосили учун шудгор қилишга киришмоқдалар.

Илғор колхозларнинг тажрибаси районда пахта тайёрлаш сур'атини тезлаштириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатиб турибти. Лекин районнинг кўпчилик колхозлари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмаётганликлари натижасида пахта тайёрлашда ҳамон орқада судралиб келмоқдалар. Қайсибир колхозга борманг, у ерда кундалик графикнинг бажарилмаётганлигини, колхозчиларнинг кўпчилиги турли ишлар блан банд бўлиб, йиғим-теримдан четда қолиб келаётганликларини учратасиз.

Андреев номли колхоз районнинг энг йирик колхозларидан ҳисобланади. Колхозда бу йил 1070 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштирилган. Колхозчилар давлатга ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш учун социалистик мажбурият олганлар. Лекин, колхозда пахта йиғим-терими юксак мажбурият даражасида олиб борилмаётир. Кўпчилик бригадаларда меҳнат унуми кундан-кунга пастлашиб бормоқда. Бунга Кенгаш Деҳқонов, Шокир Халилов, Добил Мадалиев бошлиқ бригадалар яққол мисол бўлаолади. Бу бригадаларнинг а'золаридан 20—30 кишн иккинчи даражали ишлар блан банд қилиб қўйилган. Бригада бошлиқлари кўпчилик а'золарн хирмон ва сушилка ишларига юбориб, уларнинг иши устидан контрольлик ўрнатмаганлар. Натижада бу кишиларнинг айримлари вақтни бекорга ўтказмоқдалар. Колхоздаги 439 ишчи кучидан фақат 250 кишн пахта йиғим-теримида иштирок этаётир.

Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари Андреев номли колхозда пахта тайёрлаш сур'атининг қониқарсиз аҳволда эканлигини яхши биладилар. Улар амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига, колхоз раисини олмоштириш блан чекланиб қолдилар. Иш устидан контрольлик ўрнатиб, колхоз хўжалигини юксалтириш, пахта тайёрлашни тезлаштиришда амалий ёрдам бериш талаб этилади, лекин бундай ёрдам ўрнига колхозга фақат вакиллар юбориш блан, телефон орқали кўрсатмалар бериш блан кифояланилмоқда.

Кўпчилик колхозларда пахта ва кўсак териш, уни давлатга топшириш ишлари жуда ёмон уюштирилган. Айрим колхозлар кундалик топшириқнинг тўртдан бир қисмини ҳам бажармай келаётирлар. «Ўзбекистон», Маленков номли, Тельман номли, Энгельс номли колхозлар пахта тайёрлашда кейинда судралиб келмоқдалар. Бу колхозларда моддий-техника кучлари етарли бўлишига қарамай, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва ерларни шудгор қилиш қониқарсиз бораётир.

Район колхозларида ҳосили йиғиб олинган ерларни аниқлаш ва шудгор қилиш ишларини бошлаб юбориш ҳам кечикиб қолмоқда. Кўпчилик колхозларда ҳозиргача ғўзапоя юлиш бошланмаган. Андреев номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», Маленков номли ва Энгельс номли колхозларнинг айрим участкаларида ҳосилдан бўшаган ерлар бор. Лекин, бу колхозларнинг раҳбарлари келгуси йил мўл ҳосили учун пахта замин тайёрлашга жиддий э'тибор бермай келаётирлар. Ғўзапоялардан тозаланган майдонларда ҳозиргача шудгор бошланмаган, келтирилган ҳайдов тракторлари эса бекор турибти. МТС раҳбарлари колхозларга юборилган машиналар ишидан хабар олмаётирлар.

Райондаги Пахта МТСининг дирекцияси кузги шудгорлашни ўтказиш юзасидан график тузиб чиққан ва шунга асосан колхозларга ғўзапоя юлиш ва ҳайдов тракторларини юборган, лекин МТС дирекцияси ўз ишини ана шу график асосида олиб бормаётир. Натижада трактор бригадалари ғанимат вақтни колхозларда бекор ўтказмоқдалар.

МТС планига мувофиқ 4700 гектар пахта майдонини, 2100 гектар ғалла, беда ва сабзавот экиладиган ерларни шудгор қилиб бериши керак. Бироқ, бу муҳим вазифа ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлиги учун ҳозиргача фақат 800 гектар ер шудгор қилинди. Сталин номли ва Тельман номли колхозларда бир гектар ҳам ер шудгор қилинмаган. МТС директори А. Коломейцев, бош инженери Резников ўртоқлар тракторлар ремонтига бепарво қараб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам айрим ҳайдов тракторлари ремонтдан чиқарилмай, ишга яроқсиз ҳолда қолиб кетди. Ҳозирги шудгор вақтининг қизғин пайти келганда МТС раҳбарлари «катта хатога йўл қўйдик», деб афсусланадилар.

Ремонтга қўйилган тракторлар керакли запас қисмлар блан та'минланмаган, бир қисм тракторлар МТС базасига келтирилмаган. Шунинг натижасида капитал ва жорий ремонт белгиланган муддатда тугалланмади. 16 трактор бригадасидан фақат 3 тасидагина ремонт тамомланди, 17 та гусеничний трактор турли запас қисмлар етишмаганидан, шунингдек мотори ремонт қилинмаганидан МТС устахонасида, колхоз саройларида ётипти.

Пахта тайёрлаш, шунингдек кузги шудгор ишларининг кечикиши район партия, совет ташкилотлари, МТС ва колхоз раҳбарларининг ишида жиддий нуқсонлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Октябрь районн бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган. Район колхозларида мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш даражасида мўл ҳосил етиштирилган. Лекин район раҳбарлари йиғим-терим ишига раҳбарлик қилишда расмиятчиликка йўл қўйиб келмоқдалар. Район колхозларида тез-тез йиғилишлар бўлиб туради, вакиллар қатнашади, район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари йўл-йўриқлар бериб турадилар. Лекин бундай «раҳбар»лик пахта тайёрлаш сур'атини тезлаштиришга ижобий та'сир қилмаётир. Район партия, совет ташкилотлари (район партия комитетининг секретари Муҳамедов, район ижроия комитетининг раиси Тожиев ўртоқлар) бутун куч ва имкониятларни пахта тайёрлаш сур'атини кучайтиришга ва кузги шудгор ишларини кенг кўламда авж олдириб юборишга сафарбар этишлари керак.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Ш. КУЗАНБОЕВ,
У. ЖОНГИТОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

КИНО

„Ер“

Киев киностудияси ишлаб чиқарган янги бадиий ва рангли фильм — «Ер»да ўтган асрнинг охирларида Буковина қишлоқларидан бирида юз берган ҳаётий воқеа кенг ижтимоий турмуш фонида тасвирланади. Воқеа бутун Буковина ерлари Австро-Венгрия монархиясининг зулми остида эзилаётган бир вақтда юз беради.

«Ер» фильми машҳур Украина ёзучиси Ольга Кобилянскаянинг повести асосида ишланган. Ёзучи деҳқонларнинг оғир аҳволини усталик блан ҳикоя қилган эди. Ўша вақтлардаги Буковина деҳқонлари жуда оғир меҳнатнинг захматларини чексалар ҳам, ўз меҳнатларининг самараларидан баҳраманд бўлаолмаган эдилар. Повестьда тасвирланганидек фильмда ҳам Федорчуклар оиласининг фожиаси орқали чуқур ижтимоий мазмун ҳикоя қилинади.

Фильмнинг режиссёрлари А. Бучма, А. Швачколар повестьдаги асосий, ижтимоий ғоянинг экранда жуда та'сирли ва ҳаққоний бўлиб чиқишига ҳамда ҳаёт ҳақиқатини тўғри талқин қилиб беришга муваффақ бўлганлар. Улар кинематография сан'атининг новик ва ёркин бадиий воситалари орқали оддий украин деҳқони оиласининг бошига тушган қулфатни ва унинг ижтимоий сабабларини тасвирлайолганлар. Фильм авторлари кино сан'атининг кенг имкониятларидан фойдаланиб, Буковина меҳнаткашларининг оғир эксплуатация ва хўрланишларга қарамасдан софдиллик ва олижаноблик каби ажойиб фазилатларни сақлаб қолаолишларини кўрсатиб берганлар. Фильмнинг муваффақиятли чиқишида халқ қўйларининг кенг қўлланилиши (композиторлар В. Гомоляка, Б. Крижановский), воқеанинг вақти ва ўрнини аниқ ифодалаб бераолучи, миллий колоритни тўғри кўрсатиб беручи бадиий безаклар (рассомлар В. Агранов, М. Гантман) ҳам катта роль ўйнаган. Халқ рақслари (рақслари саҳналаштиручи Л. Чернишева) фильмнинг бутун сюжети блан узвий боғлангандир. Оператор Н. Слуцкий Буковинанинг ғўзал пейзажларини усталик блан суратга олган.

Фильмнинг тамошабинларни ҳаяжонга соладиган даражада муваффақиятли чиқишида артистларнинг бадиий маҳорат блан ўйнашлари ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган. СССР халқ артисти Н. Ужвий солда деҳқон аёли — ўз фарзандларини, оиласини қаттиқ севган, олижаноб Марияннинг порлоқ образини яратиб берган. У ўзининг катта ўғли Михайлони бутун қалби блан, оналиқ меҳри блан қаттиқ севади. Ужвий — Мария Михайлони ўзининг муносиб ворриси ва деҳқончилик ишларининг давомчиси деб билади. Мария дадил, беқарор, овчиликдан бошқа нарсани ўйламовчи Саввани эслаганида ёки кўрганида юрак-юрагидан эзилади, унинг оилага бирорта ёрдам келтирмаётганидан, қандайдир бир енгил қиз Рахира блан овора бўлиб, якасини, оиласини унутганлигини кўриб азобланади. Ужвий деҳқон аёлининг мураккаб ҳис ва туйғуларини, орзу-умидларини жуда усталик блан очиб бераолган. Артист айниқса Михайлони солдатликка жўнатиш пайтида, сўнгра ўлдирилган ўғлининг жасади устида фар'ёд чекиши ва бошқа картиналардаги юксак, чинакам драматик ҳолатларни моҳирона талқин қилган.

Украина ССР халқ артисти В. Сокирко кекса деҳқон Ивониканинг бой ва ғўзал қалбини, интилишларини усталик блан очиб беради. Сокирко ижросидаги Ивоника образи ўз ерини севган, меҳнат блан суяги қотган захматкаш деҳқонларнинг типик образини гавдалантиради. Биз Ивоника образи ва тақдири орқали деҳқонлар учун бойликлар ва ҳаётнинг манбаи бўлган ернинг ўша даврларда кишиларга қанча-қанча қулфатлар олиб келганини кўрамиз.

Ивоника плуг орқасидан вазмнлик блан борадими, ҳўкизларининг терлаган бўйинларини эҳтиётқорлик блан артадими ёки нонушта пайтида биронта увоқни ҳам тўкмаслик учун оҳиста нон бурдалайдими, барибир, артистнинг ҳарбир ҳаракатида XIX аср охиридаги Буковина деҳқонининг ёркин қиёфаси тўла очилаборади.

Ивоника катта ўғли Михайлонинг қотили ўзининг кичик ўғли Савва эканлигини билгач, газабга ва аламга тўлади. У, қаттиқ зарб блан акасининг қотили Саввани уриб йиқитади. Бироқ оғир қийноққа солучи хаёлдан сўнг Саввани ҳимоя қилиш зарурлигини англайди. Ивоника терговчига ўғлининг қотил эканлигини айтиб бермайди. У мана шу фожиали воқеаларнинг сабабчиси ўша даврда авжга чиққан адолатсизлик ва оғир ижтимоий тузум эканлигини англайди.

Артист С. Фешченко яратган Михайло образи тўлақонли бўлиб чиққан. Артист содда, самимий, меҳнаткаш деҳқоннинг ва ҳаёти солдатлик хизматида майиб бўлган йигитнинг порлоқ образини яратган. Михайло ўша даврдаги адолатсизликлар блан тўлиб-тошган ижтимоий тузумнинг бегуноҳ қурбони сифатида ҳалок бўлади.

Артист П. Грубник яратган Савва образи умуман муваффақиятли чиққан бўлса ҳам ба'зи камчиликлардан ҳоли эмас. Артист Грубник Михайло ўлдирилгандан сўнгги эпизодлаги ўзини тутиши унча ишонарли бўлиб чиқмаган. У, даҳшатга тушади, ҳаяжонланади, ҳолос. Лекин булар унинг қалбида жўш уриб турган мураккаб ва қарама-қарши фикр ва туйғуларни тўла очиб бераолмайди.

В. Бесполетова ижросидаги Рахира образи анча бўш чиққан. Артист Рахиранинг ташқи қиёфасини чизиб берса ҳам, унинг характерини ва ички дун'ёсини етарли очиб бераолмайди. Шунинг учун ҳам тамошабин Савва нима учун Рахирага қизиқади, унинг нимасини яхши кўради, деган саволига жавоб тополмайди. Ахир Савва «Рахира ҳам, ер ҳам менга бўлсин» деб акасини ўлдирадику.

Парасанинг зўрлаб никоҳ қилиниш тарихи фильмнинг умумий сюжети блан узвий боғланмаган бўлса ҳам Параса ролини ижро этган артист Н. Наум ёш деҳқон аёлининг эсда қоладиган образини яратган. Артистка Алексеева батрак қиз Аннанинг образини яхши бажарган. Анна Михайлони бутун қалби блан севучи, унинг фожиали вафотидан қаттиқ қайгуручи, софдил вафодор қизнинг реалистик образидир.

Тўй маросими фильмдаги энг муваффақиятли чиққан саҳналардан биридир. Бунда режиссёрлар буковиналиларнинг урф-одатларини, тўй маросимларини, миллий рақсларини пухталик блан бераолганлар. Рекрутликка жўнаётганларни кузатиш, бевақт ўлдирилган Михайлонинг жасаси устидаги мотам ва бошқа оммавий саҳналар ҳам ўша давр ҳаётини типик картиналарга акс этдирадиган даражада ҳаққоний бўлиб чиққан. Бу эпизодларда қатнашучи персонажлар ҳам катта аҳамиятга эга. Ба'зи эпизодик персонажлар бир оғиз ҳам гапирмайдилар, бироқ шунга қарамай деҳқонларнинг оғир аҳвола яшаётганлигини, шафқатсиз эксплуатация қилинаётганлигини, одамларнинг сабр косаси тошиб турганлигини англайболамиз. Хушчақчақ бобо Онуфрий (артист Н. Михневич) образи эпизодик қаҳрамонлар ичида энг эсда қоладиган образлир.

«Ер» бадиий фильми Киев киностудиясининг, шубҳасиз, катта ютуғидир. Бу фильм Буковинанинг ўтмишидан олинган ҳаётий ҳақиқатни катта бадиий полотнода ёркин акс этдиради. Биз бу фильмни кўриб, ўзимизнинг бу кунги ҳаётимизни янада қадрлаймиз ва севамиз.

Ж. МЕЛИКЯНЦ.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзида

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзининг президиуми навбатдаги мажлисида қатор муҳим масалаларни муҳокама қилди ва тегишли тадбирлар белгилади.

Ёзучилар союзи яқинда 30 дан ортиқ ёзучини пахта йиғим-терими кампаниясида қатнашиш учун республикамизнинг колхоз ва совхозларига юборган эди.

Ўзбекистон ёзучилари 10 бригадага бўлиниб, республикамизнинг барча областларида, Қорақалпоғистон АССРда бўлганлар ҳамда колхоз, совхоз клубларида, муассаса ва олий ўқув юртларида адабий кечалар, турли темаларда лекциялар, совет адабиётининг ютуқлари ҳақида доклалдар ўтказганлар. Шунингдек, улар пахта теримн илғорлари, механизаторлар ҳақида ше'р, ҳикоя, очерк ва мақолалар ёзиб қайтганлар. Маҳаллий матбуотда янги асарлари блан қатнашганлар.

Қашқалар'ё, Самарқанд, Бухоро областьларига борган ёзучилар ҳаваскор шоирлар блан суҳбатлар ўтказганлар, уларнинг асарлари блан танишиб консультациялар берганлар, область газеталарида адабиёт саҳифалари чиқарганлар.

Айниқса Самарқанд областига борган ёзучилар бригадаси (В. Липко, Уткир Рашид ўртоқлар), шунингдек Қорақалпоғистон АССРга борган ёзучилар (Ш. Са'дулла, Г. Павлов, Алҳам Раҳмат ўртоқлар) самали ишлар қилиб келганлар. Союз президиуми областьларга борган барча ёзучиларнинг яхши ишлаганлигини, ёзучиларнинг бу кампанияда қатнашиши кўнгилдагидек натижалар берганлигини қайд қилиб ўтди. Ёзучилар союзида ташкил этилган виставкага қўйилган жуда кўп материаллар бу тадбирларнинг яхши натижа берганлигини таслиқлайди.

Президиум а'золари яқинда бўлаётган республика ёш ёзучиларининг ва таржимонларнинг кенгашини ўтказиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Шу йил ноябрь ойининг охирида Ўзбекистон таржимонлари, декабрь ойининг бошида аса ёш ёзучиларнинг республика кенгашини ўтказишга қарор қилинди.

Президиум мажлиси Озарбайжон ССР Давлат нашриётининг 1955 йилда «Ўзбек совет адабиёти антологияси»ни (25 печатний лист ҳажмида) озарбайжон тилида босиб чиқариш ҳақидаги таклифни қизғин муҳокама қилди. Ўзбек совет прозаси ва поэзияси асарларини тўплаш вазифаси беш ёзучи зиммасига юклатилди.

Шунингдек, яқин кунларда Тошкентдаги йирик саноат корхоналарида, олий ўқув юртларида, Алишер Навоий номли Давлат халқ кутубхонасида, Турқиб театри биносида меҳнаткашларнинг ёзучилар блан учрашувларини ўтказиш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ўқучилар дарсликлар блан та'минлансин“

Газетамизда шу сарлавҳа блан редакцияга хат босилиб чиққан эди.

Тошкент олбасть халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Загоруйконинг редакциямизга хабар қилишича, текширишда газетада кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Бўка район халқ маорифи бўлими еттийиллик тожик мактабларга тожик тилидаги дарсликлар келтиришга ёрдам берган. Мактаб ўқучилари дарслик китоби блан етарли миқдорда та'минланган.

„Нўноқ раҳбарликнинг оқибати“

Газетамизнинг шу йил 7 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Ховос районидаги Жданов номли колхоз раҳбарлари қишлоқ хўжалик артелининг ишлабчиқариш ишларига етарли раҳбарлик қилмагани, мажлис чақириб, бригада бошлиқларидан ва'да олиб, унинг ижросини текширмагани, колхозчилар ўртасида агитация ишлари яхши йўлга қўйилмагани кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Ховос район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Мирзақобиловнинг редакциямизга хабар қилишича, газета материали район ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилинган ва мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Колхоз раҳбарларининг нотўғри иш услуби қаттиқ танқид қилинган ва юз берган камчиликларни йўқотиш ҳамда ишни тўғлан яхшилаш тадбирлари белгиланган.

Мўғулистон Халқ-революцион партиясининг XII с'ездида

УЛАН-БАТОР, 20 ноябрь. (ТАСС). Мўғулистон халқ-революцион партиясининг XII с'езди ўз ишини давом эттирмоқда. Бугунги мажлисда Цеденбалнинг ҳисобот доклади юзасидан музокаралар бошланди. Сўзга чиққан вакиллар кейинги йилларда Мўғулистон Халқ Республикасида рўй берган катта ўзгаришлар ҳақида, Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларининг ўз партиясига самимий муҳаббати ва садоқати ҳақида, мўғул ва совет халқларининг қардошларча дўстлиги тўғрисида гапирдилар.

Улан-Батор шаҳар комитетининг биринчи секретари Дамдин Мўғулистон Халқ Республикасининг пойтахти Улан-Баторда жуда катта ўзгаришлар юз берганлиги тўғрисида гапирди. Кейинги йилларда, — деди у, — Улан-Баторда учта саноат мактаб ва учта ўрта мактаб, ўқитувчилар институти ташкил этилди. Ҳозирги вақтда шаҳарда ҳар беш кишидан бири ўқимоқда.

Танаффусдан кейин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг раҳбари ўртоқ Комаров минбарга чиқди. Ўртоқ Комаров гулдурос қарсаклар остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг с'ездга юборган қуйидаги табригини ўқиб берди.

МУҒУЛИСТОН ХАЛҚ-РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XII С'ЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Мўғулистон халқ-революцион партиясининг ўнеккинчи с'ездига самимий қардошлик саломини йўллайди.

Мўғулистон халқ-революцион партияси мўғул халқини озод қилиш учун, Мўғулистонда халқ-демократик тузумини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун революцион курашнинг шонли йўлини босиб ўтди. Мўғул халқи халқ-революцион партиясининг раҳбарлиги остида ўз мамлакатида буюк социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди, халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди ва бу билан социализм асосларини қуриш йўлидан олга қараб муваффақиятли ҳаракат қилиб бориш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирди. Мўғулистон Халқ Республикаси бошқа халқ демократияси мамлакатлари билан биргаликда тинчлик, демократия ва социализм учун актив кураш олиб бормоқда.

Мўғулистон халқ-революцион партиясининг ўз сафларини мустаҳкамлаш ва партия а'золарининг марксча-ленинча онглилигини юксак даражага кўтариш ишида, халқ хўжалигини ва маданиятни янада ривожлантириш учун, ишчилар синфининг меҳнаткаш араатлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини тўхтовсиз ошириш учун курашда янгилан-янги муваффақиятларга эришувини чин кўнглимиздан тилаймиз.

Яшасин Мўғулистон меҳнаткашларининг илғор отряди ва раҳбари Мўғулистон халқ-революцион партияси!

Яшасин Совет Иттифоқи ва Мўғулистон Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.

* * *

Табрикномаининг сўнгги сўзлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Ҳамма ўрнидан туради, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик хитоблари янграйди.

С'ездни Улан-Батор пионерлари делегацияси табриклади.

С'езд бугунги мажлиснинг охирида мандат комиссиясининг ахборотини эшитди.

Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг Совет Иттифоқи ҳукуматига жавоб нотаси

БЕРЛИН, 19 ноябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротеволь бугун ГДР Халқ палатаси мажлисида сўзга чиқиб, ҳукумат номидан баёнот берди ва, Германия Демократик Республикасининг Москвадаги элчиси бугун эрталаб Совет ҳукуматига Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг қуйидаги мазмундаги жавоб нотасини топширди, деб хабар қилди:

«Германия Демократик Республикаси ҳукумати Германия Демократик Республикасининг Москвадаги элчисига 1954 йил 13 ноябрьда топширилган нотани олганлигини ва Германия Демократик Республикаси ҳукумати нотани ўрганиб чиққанидан кейин қуйидаги фикрга келганлигини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига ма'лум қилиш шарафига муяссардир.

Ғарбий Германия тўғрисида Парижда имзоланган ва Германия тўғрисидаги мавжуд халқаро битимларга бутунлай қарамақарши бўлган битимлар ўз ватанининг қайтадан бирлаштирилишини қизғин равишда орзу қилаётган немис халқининг чин миллий манфаатларига тиқилма эмас. Германиянинг бирлигини демократик асосда тиклаш Европадаги кескинликни камайтиришнинг гарови бўлади ва, агар Лондон ҳамда Париж битимлари амалга ошириладиган бўлса, Германиянинг бирлигини демократик асосда тиклаш узоқ вақтгача рўёбга чиқмайдиган иш бўлиб қолади, Лондон ва Париж битимлари Ғарбий Германияда милитаризмни тиклашни кўзда тутади. Германия Демократик Республикаси ҳукумати билдирадики, барча немисларнинг ватанимизни тиклаб олайлик деб қилаётган қат'ий талабларинг амалга оширишни яна ҳам чўзиш ярамайди.

Ғарбий Германияни ба'зи давлатларнинг бошқа давлатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳларига қўшиш Европадаги тинчликка жуда жиддий хавф туғдиради. Германия Демократик Республикаси ҳукумати Европадаги ҳамма давлатлар иштирок қиладиган коллектив хавфсизлик системасигина Германиянинг тезроқ қайтадан бирлаштирилишига ёрдам беради, Европада уруш хавфини йўқотади ва Европадаги кескинликни юмшатади деб ҳисоблайди.

Шу сабабли Германия Демократик Республикаси ҳукумати Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 1954 йил 13 ноябрьдаги нотасида 1954 йил 29 ноябрьда Москвада ёки Парижда Хитой Халқ Республикасидан кузатучи иштироки билан Европадаги ҳамма давлатларнинг, шунингдек АҚШнинг кенгашини ўтказиш тўғрисидаги таклифини табриклайди, бу кенгашда Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш масаласи кўриб чиқилади.

Германия Демократик Республикаси ҳукумати 29 ноябрьда чақириш таклиф қилинган кенгашга ўз вакилларини юборишга тайёр эканлигини Совет Социалистик Республикалари ҳукуматига ма'лум қилиш шарафига муяссардир».

Совет ҳукуматининг 1954 йил 13 ноябрьдаги нотасига Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг жавоб нотаси

ПЕКИН, 20 ноябрь. (ТАСС). СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги Элчихонаси Совет ҳукуматининг 13 ноябрьдаги нотасига Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қуйидаги жавобини олди:

«Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министрлиги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи элчихонасига ўзининг ҳурматини изҳор қилади ва қуйидагиларни ма'лум қилади:

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш масаласи юзасидан Умумевропа Кенгаши чақириш ҳақида Совет ҳукуматининг юборган нотасини 1954 йил 13 ноябрьда олди.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Ғарбий Германияда милитаризмни тиклаш мақсадида тузилган Лондон ва Париж битимлари Германия тўғрисидаги халқаро битимларга бутунлай қарама-қарши деб ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда Германия давлатининг бирлигини тиклаш вазифасига бутунлай зид деб ҳисоблайди. Бу битимлар немис халқининг манфаатларига зид бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга Европа халқларининг ва бутун дун'ё халқларининг тинчлик манфаатларига ҳам зиддир. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Европадаги хавфсизликка ва бутун дун'ёдаги тинчликка жиддий таҳдид солаётган Лондон ва Париж битимларига қат'иян қарши бўлиб чиқади. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, Европадаги ҳамма давлатларнинг иштироки билан коллектив хавфсизликнинг самарали системаси барпо қилинган тақдирдагина Германия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш ва Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш мумкин деб ҳисоблайди. Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш масаласи юзасидан Умумевропа Кенгаши чақириш ҳақида Совет ҳукумати томонидан қилинган таклиф Германия масаласини тинч йўл билан ҳал қилишга ва Европадаги ҳамма давлатларнинг хавфсизлигини та'минлашга қаратилган муҳим ҳаракатларнинг яна биридир. Совет ҳукуматининг бу таклифи жуда ҳам ўз вақтида қилинган таклифдир.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Совет ҳукуматининг таклифни тўла равишда ма'қуллайди ва Совет ҳукумати томонидан таклиф қилинаётган Умумевропа Кенгашига ўз вакилини кузатучи қилиб юборишга тайёрдир».

Албания ҳукуматининг шу йил 13 ноябрьдаги совет нотасига жавоби

ТИРАНА, 19 ноябрь. (ТАСС). Албания телеграф агентлигининг хабар қилишича, 1954 йил 18 ноябрьда Албания ташқи ишлар министри Бехар Штўца совет элчиси К. Д. Левичкинни қабул қилган ва унга Совет Иттифоқи ҳукуматининг Европада коллектив хавфсизлик системаси барпо қилиш масаласи юзасидан Умумевропа Кенгаши чақириш ҳақидаги 1954 йил 13 ноябрь нотасига Албания Халқ Республикаси ҳукуматининг жавобини топширган.

Албания Халқ Республикаси ҳукумати жавоб нотасининг тексти қуйида келтирилади.

Албания Халқ Республикаси ҳукумати Совет Иттифоқи ҳукуматининг Европадаги ҳамма давлатларнинг вакиллари ва Америка Қўшма Штатлари вакиллари иштироки билан, шунингдек Хитой Халқ Республикасининг кузатучиси қатнашуви билан шу йил 29 ноябрьда Москвада ёки Парижда кенгаш чақиришни ва шу кенгашда Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш масаласини кўриб чиқишни таклиф қилиб 1954 йил 13 ноябрьда юборган нотасини олди ва уни жуда синчиклаб кўриб чиқди.

Албания ҳукумати Совет ҳукуматининг таклифини тўла равишда қўллаб-қувватлайди ва уни тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида олга томон қўйилган муҳим қадам деб ҳисоблайди. Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ва Германия проблемасини тинч йўл билан одилона ҳал қилиш соҳасида Совет ҳукуматининг тинмай ҳаракат қилаётганлиги ва унинг изчил тинчлик сиёсати барча тинчликсевар ҳукуматлар ва халқлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Германия проблемаси халқаро муносабатларнинг ҳозирги тараққиётида асосий проблемадир. Унинг ҳал қилиниши равшан, мумкиндир ва герман халқининг манфаатларига ҳамда бошқа ҳамма халқларнинг манфаатларига мувофиқдир. Бу проблема Совет Иттифоқи ҳамиша таклиф қилаётганидек бирлашган, мустақил, демократик ва тинчликсевар Германияни вужудга келтириш йўли билан ҳал қилинади. Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантириш ва уни муайян мамлакатларнинг бошқа мамлакатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳларига, Ғарбий Европа иттифоқи ва шимолий Атлантик блоки деган номлар остида ма'лум бўлган агрессив блокларга қўшиб олиш тўғрисида якинда Лондонда ва Парижда тўққиз ғарбий давлат ўртасида тузилган битимлар шу проблеманинг ҳал қилишишга бевосита тўсқинлик туғдиради, Германиянинг икки қисмга парчаланганлигини абадийлаштиради, герман милитаризмини тирилтиради ва тинчлик ишига қатта зарар етказади.

Герман қасосчи милитаризмининг тикланиши ва Ғарбий Германиянинг мана шундай милитаристик блокларда қатнашуви тинчлик учун ва Европа халқларининг хавфсизлиги учун жиддий хавф бўлиб, янги жаҳон урушининг бошланиб кетишига йўл очади. Гитлерчи генералларнинг муҳиши жиноятлари сабабли кейинги уруш вақтида Европанинг ҳамма халқлари ўтга ташланди ва қонга ботирилди, эндиликда Лондон ва Париж битимларига мувофиқ, ана шу гитлерчи генералларни тикланаётган «вермахт»га яна бошлиқ қилиб қўймоқчилар. Европадаги бошқа бўпгина мамлакатлар сингари Албания ҳам нацист оккупациячилардан жуда катта зарар кўрди. Унинг энг яхши фарзандларидан ўн минглаб кишилар ватан озодлиги учун, тинчлик учун курашда қурбон бўлди. Албан халқи ва унинг ҳукумати герман милитаризмининг бош кўтариб чиқишига йўл қўймаслик ва уни жаҳонни хавф остида қолдириш имкониятидан маҳрум қилиш учун ўзларининг бутун кучларини сарфлашга қат'ий бел боғлаганлар.

Совет ҳукуматининг таклифлари янги уруш даҳшатларидан халқларни халос қилишга ва халқларнинг тинчлиқда ҳамда мустаҳкам ҳамкорликда яшайдиган бўлишига қаратилган коллектив хавфсизлик системасини Европада вужудга келтириш ҳақида Европа халқларида ва бошқа халқларда янги умид туғдирди. Совет ҳукумати таклиф қилган кенгашни чақириш ва Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисида битим тузиш тинчликни, халқаро ҳамкорликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга олиб борадиган бирдан-бир йўлдир. Албания Халқ Республикаси ҳукумати шу кенгашнинг ишларида Хитой Халқ Республикасидан кузатучининг иштирок қилишини зарур деб ҳисоблайди ва унинг иштирок қилиши мазкур кенгашнинг муваффақиятли бўлишига кўп жиҳатдан ёрдам беради деб ҳисоблайди.

Албан халқи ва унинг ҳукумати янги ва бахтли турмуш яратиш учун тинч меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Албания Халқ Республикасининг манфаатлари Болқонда ва Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш билан чамбарчас боғланган. Албания ҳукумати бошқа ҳамма давлатлар билан тенглик, миллий суверенитетни ва территориал бутунликни ўзаро ҳурматлаш принципларига асосланган ҳамкорлик, самимий дўстлик ва тинчлик сиёсатини ўтказиб келди ва шу сиёсатни қат'ият билан ўтказмоқда. Албания ҳукумати қаттиқ ишонадики, Европадаги ҳамма давлатларнинг ижтимоий системаларидан қат'ий назар улар ўртасида коллектив хавфсизлик системасининг барпо қилиниши Европа ва бутун дун'ёда тинчликни ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлайди, халқаро кескинликни янада юмшатишнинг кучли фактори бўлади, ҳамма халқларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётида янги перспективалар очади.

Албания Халқ Республикаси ҳукумати ўзининг 1954 йил 31 мартдаги ва 13 августдаги баёнотларида «Европада коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Умумевропа шартномаси»нинг асосий принциплари ҳақида Совет ҳукумати томонидан қилинган таклифларни ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлаганлигини билдирган эди. Албания Халқ Республикаси ҳукумати Совет ҳукуматининг янги таклифини мамнуният билан қабул қилади ва Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш масаласини кўриб чиқиши лозим бўлган кенгаш чақириш тўғрисида жуда муҳим ташаббус кўрсатганлиги учун Совет ҳукуматига ташаккур билдиради. Албания Халқ Республикаси ҳукумати бу кенгашда мамнуният билан қатнашади ва унинг муваффақиятли бўлиб чиқишига имкони борича кўмаклашади.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессиясида

19 НОЯБРЬ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

СТОКГОЛЬМ, 19 ноябрь. (ТАСС). Хьюлетт Жонсон (Англия) раислиги остида ўтган бугунги эрталабки мажлисда кун тартибининг биринчи моддаси юзасидан музокаралар давом қилди.

Бухарест медицина институтининг ректори академик Ш. Милку чинакам коллектив хавфсизлик системаси бўлмаганлиги орқасида Европа ўз бошидан оғир кулфатларни кечирганлигини кўрсатувчи бирқанча тарихий мисоллари айтиб берди.

Руминия делегацияси, деди у, Лондон ва Париж кенгашларининг қарорлари муносабати билан ва бу қарорларнинг илҳомчилари томонидан шошмашошарлик кўрсатилганлиги муносабати билан жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги жамоатчиликнинг жипслашуви, ғайрат билан тез ҳаракат қилиши талаб этилади деб ҳисоблайди. Жаҳон жамоатчилиги герман милитаризмини қайтадан тиклаш йўлидаги ҳарқандай планларни қоралаши ва янги «Европа мудофаа бирлашмаси»га тинчлик перспективасини, я'ни Европа коллектив хавфсизлигини қарама-қарши қилиб қўйиши лозим.

Берлин университетининг профессори Гейнц Кампитцер Лондон ва Париж битимларининг ратификация қилиниши бутун дун'ёда тинчлик иши учун қанчалик хавф туғдириши мумкинлиги устида гапирди. Нотиқ герман проблемасини ҳал қилиш учун ҳам, шунингдек халқаро кескинликни умуман юмшатиш учун ҳам буюк давлатлар ўртасида музокаралар олиб борилишининг муҳимлигини айтиб ўтди.

Агар Париж битимлари ратификация қилинадиган бўлса, деди Кампитцер, — шундай ҳарбий давлат вужудга келадики, у қуролланиб олиши бланоқ ҳамма чеклашларни улоқтириб ташлайди.

Биз, — деб уқтириб ўтди нотиқ, — Германиянинг ҳарбий плацдармга айлантирилишини истамаймиз. Биз ҳеҳқандай стратегик планларга қўшиб олинишимизни истамаймиз.

Кампитцер ўз нутқининг охирида, халқаро кескинликни бартараф қилиш тадбирларига тўхталиб, Совет Иттифоқининг янги таклифи Ғарбий Германияда ҳам, Шарқий Германияда ҳам кенг кўпчиликка бориб етди, деб уқтириб ўтди. Ҳамма кишилар, — деди у, — Совет Иттифоқи таклиф қилган конференция музокаралар олиб бориш йўлидаги хатарлик тўсқинликларни йўқотиш учун жуда катта имкониятлар очиб беради, деб айтмоқдалар.

Бельгия жамоат арбоби, парламентнинг собиқ депутати Изабелла Блюм ўтмишда герман милитаризми Бельгиянинг бошига солган кулфатларни эслатиб ўтди.

Изабелла Блюм уқтириб айтдики, Бельгияда Лондон ва Париж битимларига қарши кенг жамоатчилик ҳаракати кучайиб бормоқда.

Ғарбий Германиянинг қайтадан қуроллантирилиши, — деди Цай Тин-кай, (Хитой Халқ Республикаси), герман милитаризмининг қандай усул билан бўлса ҳам қайтадан тикланиши жуда катта хавф туғдиради.

Шу ойнинг 13-нчи куни Совет ҳукумати Европадаги 23 давлатга, шунингдек АҚШга ва Хитой Халқ Республикасига нота юбориб, Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтириш масаласини муҳокама этмоқ учун Умумевропа Кенгаши чақиришни таклиф қилди. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг бу таклифи Европани парчалашидан қутқариб қоладиган, уни тинчликка ва хавфсизликка олиб борадиган энг реал ва ақлга мувофиқ тадбирдир.

Жаҳондаги турли мамлакатларнинг халқлари коллектив хавфсизлик идеясини тобора қизғин равишда қўллаб-қувватламоқдалар. Бизнинг Осиё мамлакатлари коллектив тинчлик ва хавфсизлик вужудга келтириш йўлидан бормоқдалар.

Бизнинг хитой халқи, — деди сўнгра у, — мана шу тарихий кенгашни чақириш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан қилинган таклифни тўла равишда кувватлайди. У, Совет Иттифоқининг бизни, шу кенгашга чақирганлигини самимият билан қутлайди ва бутун Европада хавфсизликни вужудга келтиришга таалуқли бу кенгашнинг муваффақиятли ўтишига ўзининг бутун кучини сарф қилишни истайди.

Сўнгра Исландия вакили Торвальдсон хоним сўзга чиқди. У, ғарб давлатлари Исландияни ҳарбий плацдармга айлантираётганликлари ҳақида, шунингдек Исландия халқининг Американинг ҳарбий оккупациясига қарши курашаётганлиги тўғрисида гапирди.

Биз исландиялилар, — деди провардида Торвальдсон, Исландиянинг аҳнабийлар томонидан оккупация қилинишига қарши ва умумий тинчлик учун жуда катта мардлик билан курашмоқдамиз, чунки биз тўғри йўлдан бораётганлигимизга аминмиз.

Биз яна бирга тўпландик, тинчликка олиб борадиган йўлда тугилган тўсқинликларни кўриб чиқиш учун тўпландик, деди митрополит Николай (Совет Иттифоқи).

Умумевропа хавфсизлиги проблемасининг чуқур моҳияти айниқса Совет ҳукуматининг 13 ноябрьдаги нотасидан кейин ниҳоят даражада равшан бўлиб қолди, бу проблеманинг ҳал қилиниши герман масаласининг ҳам ҳал қилиниши демакдир.

Ҳозирги вақтда, — деб уқтириб ўтди митрополит Николай, менинг мамлакатим Европа халқларини хавфсизлик манфаатларини ишонч ва ҳамкорлик билан бирга қўшиш имкониятларига чақирди, Европа мамлакатларининг ҳаётий манфаатларига мос келадиган бу нарса умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлур эди. Агар ғарбдаги барча христианлик черковлари православия черковлари билан ҳамжиҳат бўлиб, ер юзидаги барча тинчликсевар кишилар билан бирга-ликда Европанинг ва бутун инсониятнинг бахтли ва саодатли бўлишини та'минлайдиган ишни ҳимоя қилиш учун курашадиган бўлсалар, умумий тинчликни мустаҳкамлаш йўлида қўйиладиган катта қадам христианлик ишончининг самараси бўлиши мумкин.

* * *

Сўнгра Англиядаги папифистлиқ «Ер юзини тириштириш қардошлиги» ташкилотининг вакили Маккуайр, Исроил давлати парламентининг депутати Лари, Афина университетининг профессори Коккалис, Англия делегациясининг а'зоси, ўт ўчирувчилар касаба союзининг бош секретари Д. Бэрнс ва Венгрия делегати Т. Дери сўзга чиқдилар.

Осиё халқларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш учун

СТОКГОЛЬМ, 20 ноябрь. (ТАСС). 19 ноябрь кечки мажлисда А. Фадеев (СССР) раислик қилди. Бу мажлисда кун тартибининг иккинчи моддаси—«Четэл интервенцияси натижасида ҳамда ҳарбий блоклар ва коалициялар системаси натижасида Осиёнинг турли қисмларида вужудга келган аҳвол» деган масала муҳокама қилинаётган эди.

Бу масала юзасидан Ромеш Чандра (Ҳиндистон) доклад қилди.

Ромеш Чандра доклади

Ромеш Чандра ўз докладининг бошида уқтириб айтдики, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар территориал бутунликни ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш, агрессив сиёсатдан ўзаро воз кечиш, ички ишларга ўзаро аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тотув яшаш принциплари билан белгиланиши лозим.

Шу муносабат билан докладчи Ҳиндистон бош министри Нерунинг Хитой Халқ Республикасига қилган сафарининг аҳамиятини кўрсатиб ўтди. Бу сафар вақтида, деди у, аҳолиси бутун ер юзидаги аҳолининг тахминан ярмисига баравар келадиган икки мамлакат ҳукуматлари бошлиқлари учрашдилар. Икки мамлакат ҳукуматлари бошлиқларининг биргаликда э'лон қилган декларацияси Ҳиндистон билан Хитой ўзаро муносабатларини мазкур беш принцип асосида қуриётганликларини кўрсатди. Шу декларацияда, бу принциплар Осиёдаги бошқа мамлакатлар ўртасида ҳам, шунингдек жаҳоннинг бошқа қисмларидаги мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам асос қилиб олинур, деб умид билдирилди.

Ромеш Чандра Жанва кенгаши тинчлик иши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини қайд қилиб, шу кенгашга Осиё мамлакатларининг — Хитой Халқ Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикасининг делегациялари катта роль ўйнаганликларини кўрсатиб ўтди.

Жанва кенгашидан кейин ўтган бирнеча ой давомида Осиё халқларининг ҳамжиҳатлик алоқалари Осиё мамлакатларини бир-биридан ажратишга кўз тикаётганларни ҳайратда қолдирарлик даражада тезлик билан мустаҳкамланди. Ҳиндистон бош министри Хитойга бориб келганлиги натижасида Осиё халқларининг ҳамжиҳатлиги учун кураш янги босқичга ўтди. Неру билан Чжоу Энь-лай декларациясида баён қилинган беш принцип Осиёдаги бошқа бирқанча мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга асос қилиб олинди. Бирма ҳукумати шу принципларга ўзининг содиқлигини биринчи бўлиб баён қилди. Бош министр Неру Хитойга боратуриб шу беш принципни президент Хо Ши Мин билан муҳокама қилмоқ учун Ханойда тўхталди. Уларнинг биргаликда э'лон қилган баёнотида Вьетнам Демократик Республикаси мазкур принципларни қабул қилганлиги айтилган. Индонезиянинг ҳукумат арбоблари ҳам шу беш принципни қувватлаётганликларини айтдилар. Ер юзидаги халқлар шу принципларни бутун дун'ёда тинчликнинг таянаси қилишига олиб борадиган йўл деб билмоқдалар.

Ромеш Чандра шу беш принципнинг ҳарқайсисига муфассал тўхталиб ўтганидан кейин, бу принциплар барча мамлакатларда тинчлик бўлишини истаётган ҳамма кучлар қабул қилиши лозим бўлган тинчлик хартиясига киритиш мумкин ва лозим, дели.

Осиёда тинчлик зонаси вужудга келтириш тўғрисидаги идея, деди Ромеш Чандра, катта кучга эга бўлиб қолди. Ҳиндистон халқи «Осиё» деган сўз одамларнинг онгида очлик ва қашшоқлик манзарасини тугдирмайдиган, бу сўз **тинчлик** символи бўлиб қоладиган кун келишини орзу қилмоқда. Қилаётган ҳаракатларимизлан мақсад Осиёни «тинчлик қит'аси»га айлантиришдир. Осиё халқлари галабаларимизга қувониб, ўзларининг келажакларига астойдил ишонган ҳолда шу нарсани унутмайдиларки, озодлигимизнинг ва тинч меҳнатимизнинг душманлари Осиё халқларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга халақит беришга ва уларнинг орасини бузишга зўр бериб интилмоқдалар. Улар Осиё халқлари устидан ҳукмронлик қилишга уриниб, репрессияларни кучайтирмоқдалар.

Ромеш Чандра Америка-Покистон ҳарбий пактининг жиддий хавф эканлиги тўғрисида гапиради. У, Шарқи-Жанубий Осиё учун тузилган ҳарбий блок (СЕАТО) Осиё мамлакатларининг тинчлигига, хавфсизлигига ва озодлигига қарши қаратилган агрессив блок эканлигини уқтириб ўтади. Бу блокнинг мақсади Осиё халқларининг кучайиб бораётган миллий-озодлик курашини бостиришдир. СЕАТО осиёлиларни осиёлиларга қарши курашишга мажбур қилиш, уларни бир-бирларига гиж-гижлаш йўлидаги уринши эканлиги шубҳасиздир. СЕАТО — Жанва кенгашида яхши умидлар туғдиручи ҳамжиҳатлик вужудга келганлигига қарама-қарши ўлароқ Жанубий Вьетнамни, Лаосни ва Камбоджани ҳарбий блоклар доирасига олиб, бу билан Жанва битимларини бузишга уринишдир. СЕАТО, деди сўнгра Ромеш Чандра, бошқа мамлакатларга қарши қаратилган ҳарбий блоклар тузишга йўл қўймайдиган БМТ уставини бузишдир.

Ромеш Чандра бирқанча мамлакатлардаги агрессив доираларнинг Корея ва Ҳинди-Хитой проблемаларини ҳал қилишга халақит бериш йўлидаги ўринишларини қоралайди. У, Индонезияда тинчлик ва озодлик манфаатларини кўзлайдиган позицияда турингга интилаётган ҳукуматни ағдариш ҳаракатлари бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Бу ҳаракатларнинг, деди у, Америка томонидан уюштирилганлиги очиқ кўриниб турибди.

Ўрта Шарқда, деди докладчи, мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш оммавий репрессиялар шаклини олди. Масалан, Эронда тинчликка ва озодликка интилишдан бошқа «жиноят» бўлмаган кишиларга нисбатан репрессиялар қилинмоқда. Осиё халқлари террорга қарши дадиллик билан курашаётган эрон халқига чин қалбдан хайрихоҳлик билдирмоқдалар.

Агар Осиё халқлари хотиржамликка берилиб кетсалар, Ҳиндистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик мустаҳкамланганлиги, Кореяда ва Ҳинди-Хитойда уруш тўхтаганлиги ҳамда бирқанча мамлакатлар ўзаро принципни қабул қилганликлари натижасида ўз ҳаракатимизни тўхтатишимиз мумкин ва тинчликни мустаҳкамлаш ишини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин деб ҳисоблайдиган бўлсалар, деди Ромеш Чандра, у ҳолда юқорида айтиб ўтилган мудҳиш ўринишларнинг ҳаммасини барбод қилиш мумкин эмас.

Осиёда ҳамжиҳатлик вужудга келтириш учун бошлаган ҳаракатимизнинг мақсадларини, деди нотиқ, бутун дун'ёга аниқ тушунтириб бериш лозим.

Биринчидан, биз тинчлик қит'аси вужудга келтиришга интилмоқламиз, беш тарихий принципга асосланган иккиқлама ва кўпқлама бирқанча битимлар орқали ўзаро боғланган мамлакатлардан иборат қучли тинчлик зонаси вужудга келтиришга интилмоқдамиз. Бизнинг ўзаро муносабатларимиз ҳам, шунингдек бутун дун'ёдаги мамлакатлар билан бўлаётган муносабатларимиз ҳам мана шу беш принцип асосига қурилиши лозим. Биз ўз қит'амиз учун ва бутун ер шари учун тинчлик бўлишини истаймиз. Биз бир-биримиз билан биргаликда ва бутун дун'ёдаги бошқа ҳамма халқлар билан биргаликда ишлаймиз.

Иккинчидан, бизнинг орамизни бўлишга ва бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилишга қаратилган барча ҳарбий пактларга хотима беришни талаб қилмоқдамиз.

Учинчидан, биз мустамлакачиликни емириб ташлаш учун, бизнинг ишларимизга аҳнабийларнинг аралашувига хотима бериш учун, четэл базаларига ва территорияларимизнинг оккупация қилинишига қарши курашмоқдамиз. Биз Осиёнинг озодлиги тўғрисида ўйлар эканмиз, Малайяда ҳали ҳам шиддатли ва қонли уруш бораётганлигини бир минут бўлсада эсдан чиқаришимиз ярамайди. Малайя халқи озод қилишини лозим.

Тўртинчидан, бизнинг ҳамжиҳатлик учун курашимиз Хитой Халқ Республикасига БМТдаги ўрнини дарҳол беришни талаб қилмоқда. Бу талабни тақроллайверишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Биз шунга эришмогимиз керакки, бизнинг ҳукуматларимиз АҚШни гайриқонуний ва хатарли обструкцияни тўхтатишга мажбур қиладиган чораларни кўрсинлар.

Бешинчидан, Осиёда ҳамжиҳатлик вужудга келтириш учун бошланган кампания озод ва тинч Японияни, ўз ерида четэл базалари бўлмайдиган Японияни, ҳамма давлатлар билан дўстона муносабатлар олиб борадиган Японияни вужудга келтириш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриши лозим. Япониянинг қайтадан қуроллантирилиши Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги халқларга шуни кўрсатдики, АҚШнинг агрессив доиралари ўзларининг агрессив ҳарбий планларини амалга ошириш учун Японияни қайтадан фойдаланиб Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги халқларга қарши ишлатмоқчилар.

Осиёда ҳамжиҳатлик вужудга келтириш учун бошланган кампания япон халқига четэл зулмидан ва ҳукмронлигидан қутулишга ёрдам беради ва тинчликка интилучи озод ва мустақил мамлакат сифатида ўзининг қонуний жойини олаётган янги Япония вужудга келтиришга кўмаклашади.

Ниҳоят, Осиёда ҳамжиҳатлик вужудга келтириш учун бошланган кампания Ҳинди-Хитойда ва Кореяда уруш тўхтатилгандан кейин Корея, Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг озодлигини ва бирлигини та'минлайдиган муваффақиятли сулҳ тузилишига олиб келиши лозим.

Осиёда ҳамжиҳатлик вужудга келтириш учун бошланган ҳаракат яқин, умумкорея сайловлари ўтказилишини та'минлаш учун Корея масаласи юзасидан музокараларни яна бошлаб юборишни талаб қилади, токи шу умумкорея сайловлари натижасида бирлашган демократик Корея барпо қилиниши та'минлансин, бунинг учун барча четэл қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши шартдир.

Америка империалистлари ялпи қирғин қуролини Осиёда яна синовдан ўтказиш хавфини туғдирмоқдалар. Бу мудҳиш қуролни тақиқлаш учун бошлаган курашимиз кенгайиб бормоқда. Бу кураш Жаҳон Тинчлик Кенгаши томонидан ўтказилаётган катта ҳаракатнинг, я'ни қуролсизланиш учун ва ялпи қирғин қуролини тақиқлаш учун ўтказилаётган катта ҳаракатнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Ромеш Чандра АҚШдаги агрессив доираларнинг чанкайшичилар тўдасидан фойдаланиб Хитой Халқ Республикасига қарши уруш бошлаб юборишга интилаётганларини айтиб, бундай деди:

Осиё халқлари Американинг ана шу планларини синчиклаб кузатиб бормоқдалар. Улар тинчлик кенгашининг бу сессияси Осиёдаги ҳамжиҳатлик учун курашни, Осиёни тинчлик қит'асига айлантириш учун курашни активлаштиришга олиб келади деб ишонадилар.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессиясида

Ромеш Чандра доклади юзасидан музокаралар

СТОКГОЛЬМ, 20 ноябрь. (ТАСС). Кеча кечқурунги мажлисда Ромеш Чандра доклади юзасидан музокаралар бошланди.

Биринчи бўлиб Хан Сер Я (Корея) сўзлади. Корея масаласининг тинч йўл блан ҳал этилиши, деди у, Осиёда тинчликни ва ҳавфсизликни сақлаш учун ғоят катта аҳамиятга эга. Шу сабабли корейс халқи дунёдаги барча тинчликсевар халқларнинг мадади блан Корея масаласини тилч йўл блан ҳал этиш учун ва Кореянинг бирлигини тиклаш учун курашмоқда ҳамда бу кураш Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ишига қўшилган ҳисса бўлади, деб ҳисоблайди.

Кореяда яраш битими тузилганидан кейин Америка Қўшма Штатларининг Кореяга қарши агрессив планлар тайёрлаётган ҳукмрон доиралари Корея масаласининг тинч йўл блан ҳал этилишига қаршилик кўрсатишга ҳархил йўллар блан урининб келдилар ва ҳозир ҳам уринаётирлар.

Корея масаласини кун тартибидан чиқариб ташлаш мумкин эмас. Биз бу масала юзасидан манфаатдор давлатларнинг кенг иштирок қилиши блан яқин фурсатда кенгаш чақирилиши дозим деб ҳисоблаймиз ва биз бу кенгашни чақирилишини талаб қиламиз.

Корея масаласини тинч асосда ҳал қилиш мумкин ва албатта ҳал қилиниши лозим.

Сўнгра сўзга чиққан Эрон делегати Б. Алавий ўз мамлакатидаги аҳвол ҳақида, эрон ма'мурлари ватанпарварларни қаттиқ қувғин остига олаётганликлари ҳақида сўзлади. У айтдики, империалистлар ва уларнинг малайлари Эронни агрессив ҳарбий гуруҳларга жалб қилмоқчилар. Американлар Эрон территориясида — Хамадонда, Машҳадда, Абадонда, Эроннинг шимолида ва Теҳрон атрофларида ҳарбий базалар қурмоқдалар. Америка ҳарбий миссиялари энг янги қурол-яроғга эга бўлган катта армия тузмоқчилар.

Алавий ўз нутқининг охирида тинчлик учун, ўз ватанининг мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Эрон ватанпарварларининг мардлиги ҳақида сўзлаб берди.

Шарқий Покистон вакили Абдул Ҳамид-хон Бхасаний ўз нутқида агрессив давлатлар уруш чиқариш учун ҳарбий блоклар тузаётганликларини айтди. Бу блоклар фақат СССРга, Янги Хитойга ва Шарқий Европадаги мамлакатларга қарши қаратилган бўлибгина қолмай, балки миллий мустақиллик учун курашаётган кучларга қарши ҳам қаратилгандир.

Сўнгра нотиқ тинчликни ҳимоя қилиш ишида янги, тинчликсевар Хитойнинг ғоят катта роли тўғрисида сўзлайди.

Осиё мамлакатлари, деди Бхасаний, Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги қонуний ҳуқуқлари тикланишини талаб этишлари лозим.

Нотиқ Осиёда тинчлик учун курашда Ҳиндистоннинг ролини ҳам қайд қилиб, Покистоннинг ҳозирги ҳукмдорлари мамлакатни Покистон халқининг ҳоҳиш-иродасини э'тиборга олмай, ҳарбий блокка жалб қилганликларини кўрсатиб ўтди.

Бхасаний Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги қонуний ҳуқуқлари тикланишини, атом ва водород қуролининг тақиқланишини, Германияни тинч йўл блан бирлаштириш ҳақидаги, Австрия проблемасини ҳал этиш ҳақидаги, Кореяни бирлаштириш ҳақидаги, Америка қўшинларини Тайваньдан олиб чиқиб кетиш ва АҚШнинг Хитой ички ишларига аралашувини пўхтатиш ҳақидаги масалаларнинг ҳал этилишини талаб қилишни таклиф этди.

Раислик қилучи А. Фадеев «Тинчлик рейси» қатнашчиларининг делегацияси етиб келганлигини э'лон қилди. «Тинчлик рейси» қатнашчилари группаси залга кириб келади. Улар турли мамлакатларнинг байроқларини ва гулдасталарни кўтарганлар. Делегатлар уларни қизғин табриклайдилар. Делегация номидан доктор Рэйнов табрикномани, шунингдек «Тинчлик рейси» тамом бўлганидан кейин унинг қатнашчилари ҳақиллик блан қабул қилган резолюцияни ўқиб эшитдирди. Резолюцияда «Тинчлик рейси»нинг 800 га яқин иштирокчиси «Баторий» параходида сафар қилиб, 16 кун ичида Болтиқ бўйидаги олти мамлакатда — Швецияда, Данияда, Германия Демократик Республикасида, Польшада, Финляндияда ва Совет Иттифоқида бўлганлиги айтилади. «Тинчлик рейси» қатнашчилари Болтиқ бўйи мамлакатларининг халқлари тинчликка интилаётганликларига ва уларнинг иқтисодий ҳамда маданий алоқаларини ривожлантиришни истаганликларига қаттиқ ишондилар, дейилади резолюцияда. Рейс қатнашчиларининг фикрича, Болтиқ бўйи мамлакатларининг халқаро музокараларни биргаликда ёқлаб чиқишлари тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Вьетнам бирлашган миллий фронти миллий комитетининг раис ўринбосари Ле Дин Тамга сўз берилади. У ўз нутқини яраш битими тузилгандан кейин Ҳинди-Хитойда юз берган аҳволга бағишлади. Ле Дин Там уқтириб ўтдики, Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати яраш битимининг ҳамма шартларини бажармоқда ва озод қилинган районларни тезроқ тиклаш учун бор куч-қувватини сарфламоқда. Вьетнам Демократик Республикаси, Лаос ва Камбоджа халқи ҳамда армияси Жанва битими шартларига пухта амал қилмоқдалар. Бироқ француз қўшинлари ва баодайчилар, деди нотиқ, америка империалистларининг кўрсатмаларига бўйсуниб, яраш шартларини бузаётирлар.

Ле Дин Там Шарқий Жанубий Осиё учун Манилада имзоланган ҳарбий блокнинг агрессив характерини фош қилди.

Умумхитой касаба союзлари федерацияси ижроия комитети раисининг ўринбосари Лю Нин-и ўз нутқининг бошида Жанва кенгашининг натижаларини ва уларнинг Осиёдаги аҳволга қандай та'сир қилганлигини эслатиб ўтди. Осиё халқлари саммий музокаралар олиб бориш йўли блан умумий тинчликни ва ҳавфсизликни ўрнатиш, миллий мустақилликни ҳимоя қилиш, экономикани ва маданиятни ривожлантириш мумкинлигига ишондилар, деди.

Осиёдаги турли мамлакатларнинг аҳолиси, деди у, ўз сўзини давом этдириб, сиёсий маслаклари, диний э'тиқодлари, ҳаёт кечириш усуллари ва урф-одатларининг қандай бўлишидан қат'ий назар ХХР ва Ҳиндистон, ХХР ва Бирма бош министрлари биргаликда чиқарган икки бизнотда белгиланган беш принцип асосида тотув яшаш мумкин деган ўз фикрларида якдилдирлар.

У айтдики, Кореяда ва Вьетнамда уруш тўхтаган ҳозирги пайтда АҚШ Тайваньдаги Чан-Кай-ши тўдасидан ҳархил игвогарликлар учун ва ХХРга қарши уруш ҳаракатларини кенгайтириш учун фойдаланишга интилмоқда. Лю Нин-и айтдики, АҚШ Тайваньни Япония устидан контроль қилиб туриш учун ва Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатларига қарши агрессия қилиш учун ўз ҳарбий базасига айлантирди. Хитой территорияси бўлган Тайвань оролининг ва Хитой соҳили ёнидаги ороллар-нинг озод қилиниши — Хитойнинг суверен ҳуқуқи ва ички ишидир, деди у. АҚШнинг бунга аралашишга қандай ҳуқуқи бор, деган савол туғилади. Тайваньнинг оккупация қилинганлиги ва АҚШнинг Хитой ички ишларига аралашаётганлиги Осиёдаги аҳволга юз берган кескинликнинг юмшашига ҳалақит бериб турган сабабларандир.

Лю Нин-и ўз сўзининг охирида дедики, Осиёдаги барча тинчликсевар давлатларни ва халқларни маҳкам жипслаштириш, уларнинг куч-ғайратини коллектив тинчлик ва ҳавфсизлик ўрнатиш ҳамда кенгайтириш йўлида турган турли ғовларни йўқотишга қаратиш зарур.

Танаффуздан кейин кечки мажлис Д. Эндикотт раислигида бошланди. Еврача мамлакатларининг умумий ҳавфсизлигини та'минлаш мақсадида бу мамлакатларнинг ҳамкорлиги ҳақида кун тартибидаги биринчи модда юзасидан делегатларнинг нутқлари давом этди.

Голландияли физик Миннерт-Кўлинг хоним Лондон ва Париж битимлари ҳақида ҳамда бу битимлар Голландияда ташвиш туғдираётганлиги ҳақида гапирди. Амстердамда, деди у, мазкур битимларнинг ратификация қилинишига қарши норозилик биллирган петицияга қисқа вақт ичида 10 мингдан кўпроқ имзо тўпланди.

Франция Умумий меҳнат конфедерацияси-нинг секретари Ален ле Леап Лондон ва Париж битимларининг Франция учун айниқса ҳавфли эканлигини уқдириб ўтди. Бу битимлар Ғарбий Германияга танк қўшинлари ва авиацияси бўлган ярим миллион солдатдан иборат армия тузиш, шунингдек запасдаги 5 миллион солдатга ҳарбий та'лим бериш имкониятини беради. Францияга яна таҳдид қилаётган ҳавф, деди у, Европадаги бошқа мамлакатларга, жумладан Германия блан қўшни бўлган мамлакатларга ҳам таҳдид қилади. Бундан ташқари, Ғарбий Германия шундай ҳарбий коалицияга тортиладики, бу коалиция Францияни Ғарбий Германия бошлаган бирор урушга тортиши мумкин.

Ле Леап дедики, ҳозирги битимларнинг шартларига биноан немис қўшинлари, масалан, Франция ёки Белгия территориясида жойлаштирилишлари мумкинки, бу янги оккупацияга тенгдир. Бунинг устига, деди, ҳарбир мамлакат ичидаги халқ ҳаракати, агар мазкур ҳарбий блокнинг раҳбарлари бу ҳаракатни мамлакат ичидаги тартиб-қоидага таҳдид қиладиган ҳаракат деб топсалар, «Ғарбий Европа иттифоқида» қатнашучи мамлакатларнинг аралашуви учун баҳона бўлиб хизмат қилиши мумкин. Демак, бу иттифоқда қатнашучи мамлакатлардан ҳарбирига халқ намойишларини, забастовкаларни ва бошқаларни бостириш учун чет эл қўшинлари киритилиши мумкин.

Ле Леап ўз сўзининг охирида француз халқининг Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қарши, Лондон ва Париж битимларига қарши олиб бораётган кураши ҳақида сўзлаб берди.

Касаба союз арбоби ва Дакар шаҳри тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг раиси Сейду Диалло (Француз Ғарбий Африкаси) бундай деди: Африка қит'асида ташвишли вазият юз берди: шу кунда Тунисда, Кенияда, Жазойирда ва Камерунда қон тўкилаётир. Африка мамлакатнинг табиий ресурсларидан уруш тайёрлаш мақсадлари учун фойдаланишга интилаётган империалистик кучларнинг кўз олайтириб қараётган жойи бўлиб қолди. Ғарбий герман трестлари Америка империалистларининг мадади блан ҳозирдаёқ, немис экспансионизми игвогарлик ниятида янги конфликт вужудга келтиришини кутиб турмасдан, Африкани босиб олиш учун кураш бошлади. Мана буларнинг ҳаммаси Африка халқлари бошига янада оғирроқ мустамлака режимини ва эксплуатацияни келтиради.

Африка халқлари ўз ҳаётлари ва озодликлари учун курашмоқдалар, деди Диалло.

Мажлисда Р. Д. Уильямс (Ҳиндистон), профессор Брандвейнер (Австрия), Норвеж рухониси Рагнар Форбекк ва Люксембург тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитетининг секретари Иосиф Михельс ҳам сўзладилар.

Э. Буроп доклади

СТОКГОЛЬМ, 20 ноябрь. (ТАСС). Бугун Жаҳон Тинчлик Кенгаши сессиясининг эрталабки мажлисида «Қуролсизланишни та'минлаш ва ялпи қирғин қуролларини тақиқлаш мақсадида тинчликсевар кучларнинг кўриши лозим бўлган тадбирлар» ҳақида Лондон университети ядро физикаси профессори Э. Буроп доклад қилди.

Қуролсизланиш ва ялпи қирғин қуролини тақиқлаш масалалари, деди профессор Буроп, тинчлик тарафдорларининг ҳаракатлари пайдо бўлган вақтданоқ бу ҳаракатнинг ҳамиша диққат марказида бўлиб келди. Атом қуролини ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлашга чақириб Жаҳон Тинчлик Кенгаши чиқарган Стокгольм мурожаатномасига ҳамма иркдан, миллатдан ва диндан бўлган 600 миллион киши қўл қўйди.

Ўша вақтдан буён тинчлик тарафдорлари ҳаракати, деди Буроп, катта муваффақиятларга эришди. Кореяда яраш битими тузилди. Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатлари тўхтатилди, «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги шартнома рад этилди ва ҳоказо. Лекин янги ҳавф-хатарлар пайдо бўлди. Профессор Буроп, жумладан, герман милитаризмини тиклаш планлари ва атом қуролини зўр бериб қўлайтириш ҳавфи борлигини кўрсатиб ўтди.

Япония тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг ташаббуси блан, деди профессор Буроп ўз сўзини давом этдириб, водород бомбасига қарши норозилик билдириш юзасидан кенг ҳаракат ташкил қилинди. Ялпи қирғин қуролини тақиқлашни ва бу хил қуролларнинг синаб кўрилишини тўхтатишни талаб қилган петицияга японлардан 20 миллион киши қўл қўйди.

Англия умум палатаси, деди ўз сўзини давом этдириб Буроп. Буюк давлатларнинг бошлиқлари тўпланисилар ва ялпи қирғин қуролини тақиқлаш тўғрисидаги масалани ҳамда тегишли ғарантиялар ва контроль талбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилисилар деб талаб этган резолюцияни қабул қилди. Тред-юнионларнинг Брайтондаги конгрессида ҳам шу руҳдаги резолюция қабул қилинди. Ҳозирги вақтда Англияда умум палатасининг резолюциясини қувватлайтиган петицияга имзо тўпланмоқда.

Буроп Ковентри шаҳри муниципал кенгашининг бу соҳадаги фаолиятини айниқса та'кидлаб ўтди.

Буроп айтдики, ялпи қирғин қуролининг янги турларини ишлатиш ҳавфи дун'ёдаги барча мамлакатлар жамоатчилигини дарғазаб қилмоқда. Тинчлик тарафдорларининг жаҳон ҳаракати олдида катта вазифалар турипти. Ялпи қирғин қуролини тақиқлаш тўғрисида ҳозиргача битим тузилган эмас, буюк давлатларнинг бошлиқлари то ҳозиргача учрашганлари йўқ. Қуролсизланиш ҳақида ва ялпи қирғин қуроли устидан контроль ўрнатиш ҳақида битим тузиш кечикаётганлиги муносабати блан юз берган ҳавф энг жиддий ҳавфдир. Биз ҳаммамиз Ғарбий Германиянинг қуроллантирилиши қуролсизланиш проблемаси блан боғлиқ бўлган ҳамма проблемаларни қанчалик қийинлаштириб қўйиши мумкинлигини жуда яхши тушунамиз.

Бироқ собиқ гитлерчи генераллар яна қўлларига қурол олаётган ва ядро қуролини эгаллаш имкониятини олаётган бир пайтда биз Франция, Англия, Бельгия, Голландия, Польша, Чехословакия, СССР халқларини қурол-яроғни камайтиришга ва ядро қуролини йўқ қилишга чақириб қандай мурожаат қилаолмаймиз, ахир? Ё қуролланиш ва ядро қуролини тақиқлаш мумкин, ёки Германияни қуроллантириш мумкин. Лекин буларнинг бири-иккинчисига асло тўғри келмайди. Германиянинг қуроллантирилишига қарши ва ялпи қуролсизланиш ҳамда ядро қуролини тақиқлаш учун олиб борадиган кампаниямиз аслда бир кампаниянинг икки томонидир, холос. Агар биз қуролсизланиш ҳақида ва ядро қуролини тақиқлаш ҳақида битим тузишга эришаолсак, Германиянинг қуроллантирилиши ҳақидаги масала фақат назарий аҳамиятгагина эга бўлиб қолади. Ана шунинг учун бу ҳақда битим тузилишига дарҳол эришмоғимиз лозим.

Буроп, бундай битимни тузиш мумкинлигини уқтириб ўтди ва яқинда Франция, Англия, СССР ва АҚШ вакиллари БМТ бош Ассамблеясида қуролсизланиш ҳақидаги ҳамда ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан музокараларни давом этдириш ҳақидаги резолюцияни якдиллик блан қўллаб-қувватлаганликларини эслатиб ўтди. Шуни айтиб ўтиш керакки, деди Буроп бу резолюция ғарбий мамлакатлар блан Совет Иттифоқи бирқанча масалаларда бир-бирларига ён берганларидан кейин ана шундай қўллаб-қувватланди. Агар бундан кейинги музокараларда ҳам келишиш руҳи ҳукм сурса, битимга келиниши мумкин.

Сўнгра Буроп қуролсизланиш масаласи юзасидан бўлган музокаралар тарихини муфассал баён қилди ва кейинги саккиз йил мобайнида бу соҳада битимга келишга тўсқинлик қилган сабабларга тўхталди. У та'кидлаб ўтдики, бунга Қўшма Штатларнинг ўжарлик блан тутиб келган позицияси сабаб бўлди, АҚШ қуролсизланиш ҳақидаги ва контроль ҳақидаги масалада шундай талабларни илгари сурдики, бу хил талабларнинг илгари сурилиши Совет Иттифоқига Қўшма Штатларнинг асл мақсади бошқа мамлакатларнинг ички ишларига Американинг аралашиб туриши учун зарур воситаларни та'минлашдан иборат, деб ўйлаш учун асос бўлди.

Биз, деди докладчи, қуролсизланиш учун ва ядро қуролининг ҳамда бошқа хил ялпи қирғин қуролининг тақиқланиши учун кампанияни янги куч блан давом этдиришимиз лозим. Сўнгра Буроп атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланишнинг катта аҳамиятига тўхталди.

Профессор Буроп ўз докладини қуйидаги сўзлар блан тамомлади: атом ва водород бомбалари тақиқлансин! Уларни синаб кўриш тўхтатилсин! Атом қуввати инсониятни йўқ қилиб юбориш қуроли бўлиб хизмат қилмасин, балки инсониятга хизмат қилсин! Биз бу буюк курашда муваффақиятга эришаоламиз ва эришмоғимиз лозим.

* * *

Сўнгра профессор Буроп доклади юзасидан бошланган музокараларда профессор Бонсдорф (Финляндия), Гюстав Котелль (Франция), Антуан Аллар (Бельгия), Александр Корнейчук (СССР), Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг вакили Молли Манделл хоним (Англия), А. Бушама (Жазойир), ФАО (Бирлашган миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик масалалари блан шуғулланучи уюшмаси) кенгашининг раиси Де Кастро сўзладилар.

20 ноябрьдаги кечки мажлис

СТОКГОЛЬМ, 20 ноябрь. (ТАСС). 20 ноябрьдаги кечқурунги мажлис Умумхитой касаба союзлари федерацияси раисининг ўринбосари Лю Нин-и раислигида очилди.

Бразилия ишчи партиясининг бош секретари Хосе Да Фрота Морейра Бразилия делегациясининг «Миллатларнинг ички ишларига аралашаётганлиги натижа-сида Жанубий Америкада юз берган аҳвол» деган темадаги бирлашган докладини ўқиб эшитдирди.

Докладда айтилишича, бирқанча шартнома ва битимлар Латин Америкасидаги ҳамма мамлакатларни Шимолий Атлантик иттифоқи блан боғлайди, шу блан бирга бу мамлакатлар блан АҚШ ўртасида икки томонлама битимлар тузилган. Мана бу шартнома ва битимларнинг ҳаммаси Латин Америкаси мамлакатлари халқларининг манфаатларига зиддир. Бу шартнома ва битимлар мазкур мамлакатларга халқларнинг рухсатисиз ва уларнинг ҳоҳиш-иродасига қарши қабул қилинган ҳарбий мажбуриятларни юклайди.

Биз, дейилади сўнгра докладда, Латин Америкаси мамлакатларининг АҚШ атрофида уюштирилаётган ҳарбий блок қатнашчиларига айланаётганликларини ва бу блок мазкур мамлакатларнинг халқаро ҳамкорлик ишига ҳисса қўшишларини чеклаётганлигини кўриб турибмиз. Бу блокнинг энг актив органи «Америкааро ҳарбий комиссия» бўлиб, унинг асосий мақсади «қита' армияси» тузишдан иборат. Шундай қилиб, Латин Америкаси мамлакатларини милитаризация қилиш процесси давом этаётганлиги кўриниб турипти. Бу процесс саноатнинг ҳарбий тармоқларини, биринчи навбатда, стратегик хомаш'ё чиқаришни зўр бериб ривожлантиришда яққол кўриниб турибди.

Латин Америкаси мамлакатларидаги ҳозирги аҳволнинг характерли хусусиятларидан бири — бу мамлакатларнинг дунёдаги бошқа мамлакатлар блан бўлган дипломатик, иқтисодий ва маданий муносабатларида социал ва сиёсий режимларнинг бошқа-бошқа бўлиши ҳамда бир-бирига тўғри келмаганлиги баҳонаси блан камситиш сиёсати юргизилиш ва ҳархил чеклашлар ўрнатилишидир. Латин Америкаси мамлакатларининг давлат бюджетлари тинч вақтдаги бюджет эмас. Бюджетдаги маблағларнинг кўп қисми ҳарбий ҳаражатларга сарфланмоқда. Бу ҳарбий ҳаражатлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бирқанча мамлакатларнинг конституциялари масалан, Бразилия конституцияси уруш пропагандасини махсус ва қат'ий равишда ман' қилган бўлишига қарамай жуда кўп газеталар, радиостанциялар ва бошқа информация воситалари уруш пропагандаси хизматига қаратиб қўйилган. Мутлақо равшанки, Латин Америкасида агрессив халқаро кучларнинг Латин Америкасидаги мамлакатларнинг ички ишларига очиқданочиқ ва бевосита аралашаётганликлари кўриниб турипти.

Латин Америкаси халқларини эзишга асосланган бу хил аралашув муқаррар равишда бу мамлакатлардаги халқлар қаршилигининг ўсишига сабаб бўлмоқда. Латин Америкаси мамлакатларидаги ички аҳволни бетинч ва беқарор қилиб қўймоқда. Масалан, Аргентинада «ички уруш ҳолати» ҳақида декрет жорий қилинган; ҳужум остида қолган Гватемала фожиали аҳволга тушди; Бразилияда республика президентини ўз-ўзини ўлдиришгача етказиб қўйган милитаристлар томонидан давлат тўнтариши қилинди; Чилида фавқулодда ҳолат э'лон қилинди, Коста-Рикада ва Мексикада давлат тўнтариши ҳавфи туғилмоқда.

Каракасда бўлиб ўтган 10-нчи панамерика конференциясида Латин Америкаси мамлакатларини миллий суверенитетдан маҳрум этишга қаратилган резолюция қабул қилинди. Гватемала, Мексика, Аргентина ва Уругвай каби мамлакатлар қаршилик кўрсатишига қарамай, конференцияда ба'зи мамлакатларнинг «қит'ани мудофаа қилиш» баҳонаси блан бошқа мамлакатлар ишига қурол блан аралашуви принципи мажбуран қабул қилдирилди. Гватемалага нисбатан ҳам худди аншу принцип жорий қилинди.

Докладда бу хил сиёсатнинг Латин Америкаси мамлакатлари учун ҳалокатли оқибатларга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги қризис ҳолатига тушиб қолган, миллий саноат енгиб бўлмайдиган қийинчиликларга учрамоқда, қимматчилик ошмоқда, солиқлар кўпаймоқда.

Ҳеч муболаға қилмасдан айтиш мумкинки, дейилади докладда, биз реал ва сезиларли характерда бўлган ва Латин Америкаси мамлакатларини вайрон қилаётган, уларнинг миллий суверенитетини поймол қилаётган ташқи агрессияни кўриб турибмиз. Фактлар—Латин Америкасининг миллий манфаатларига ва тинчлик манфаатларига ёт бўлган сиёсатни юргизишга мажбур этаётган милитаристик кучлар Латин Америкасида ҳақиқий агрессорлар эканлигини яққол кўрсатиб турипти.

Докладнинг охирги қисмида Латин Америкаси мамлакатларида халқаро аҳволдаги кескинликни юмшатиш учун, эркин савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ўрнатиш учун кураш кучайиб кетганлиги ҳақида гапирилади. Бу кураш кенг қулоч ёйди ва ҳозирдаёқ биринчи натижаларни берди. Жумладан, Совет Иттифоқи блан ва халқ демократияси мамлакатлари блан савдо-сотиқ ишларида натижа берди. Шу блан бирга миллий мустақилликни ҳимоя қилиш учун ҳам кураш олиб борилмоқда. Сант Ягода (Чили) Латин Америкаси мамлакатларидаги парламент а'золарининг ва бу мамлакатлар арбобларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу вакиллар орасида турли сиёсий маслаклардаги кишилар бор эди. Улар Каракасда бўлиб ўтган конференциянинг қарорларига қарши норозилик билдиридилар, чунки бу қарорлар Қўшма Штатларга «халқларимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига аралашиш ҳуқуқини беради».

Бразилия делегациясининг доклади юзасидан бўлган музокараларда Болумбия ёзувчиси Альваро Уribe, Мексиканинг собиқ денгиз министри генерал Эриберто Хара сўзладилар.

Сўнгра, раислик қилучи Лю Нин-и сессия номига тинчлик йўлидаги отоқли курашчи Поль Робсондан мактуб олинганлигини, Америка ма'мурлари сессияга келиш учун унга паспорт бермаганликларини айтди.

Робсон ўз мактубида АҚШдаги прогрессив кучларнинг тинчлик учун олиб бораётган кураши ҳақида, яқинда мамлакат бўйлаб қилган сафари тўғрисида, бу сафар вақтида миллион-миллион софдил американликларнинг тинчликка интилаётганлигига яна бир марта ишонганлиги ҳақида сўзлаб беради.

Поль Робсон ўз мактубининг охирида сессиянинг бутун дунёда тинчлик манфаатлари учун қилаётган ишига чин кўнгилдан муваффақият тилайди.

Сессия мажлисида Поль Робсоннинг ёзиб олинган қисқача табрик нутқи ва у ижро этган қўшиқ эшитдирилди. У, ўз қўшиғини Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессиясига бағишлаган. Табрик нутқи ва қўшиқ эшитилиб бўлгандан кейин ҳамма ўрнидан туради ва гулдирос қарсак чалади. «Яшасин тинчлик!» деган овозлар эшитилади.

Сўнгра, ёзувчи Адальберто Ортисга (Эквадор) ва Чили сенатининг вице-президенти Сальвадор Альведега сўз берилади.

Шу блан кечки мажлисда танаффус э'лон қилинади.

СТОКГОЛЬМ, 21 ноябрь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик кенгаши сессиясининг кеча танаффусдан кейин яна бошланган кечки мажлисида Бразилия делегациясининг доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Латин Америкаси меҳнаткашлари конфедерациясининг раиси Ломбардо Толедано дедики, Қўшма Штатларнинг Латин Америкаси мамлакатларида юргизаётган сиёсати натижасида бу мамлакатларнинг бирқанчасида қонуний ҳукуматлар зўрлик блан ағдариб ташланди ва зўравонликка асосланган режимлар ўрнатилди. Антидемократик декретлар ва қонунлар чиқарилмоқда; демократик арбоблар та'қиб этилмоқда: матбуот устидан контроль кучаймоқда. Матбуот Америка Қўшма Штатларининг шиорларини ёзишга ва антидемократик руҳдаги пропаганда блан шуғулланишга мажбур этилмоқда. Латин Америкасида АҚШнинг юзларча сиёсий агентлари ишлаб турипти.

Латин Америкаси мамлакатларининг халқлари, деди ўз сўзини давом этдириб Ломбардо Толедано, ўз территориялари кенг аҳоли сони кўп бўлишига қарамай, халқаро ҳаётда ҳал қилучи роль ўйнаёлмаётганликларини, чунки ўз тақдирларини ўзлари ҳал этиш ҳуқуқлари тортиб олинганлигини тушунадилар. Шу сабабли улар уруш ва тинчлик проблемасини ўз миллий мустақилликлари блан маҳкам боғлиқ қилиб қўймоқдалар.

Толедано ўз сўзининг охирида Латин Америкаси мамлакатларида демократик эркинликларни сақлаш ва кенгайтириш, уларнинг миллий мустақиллигини та'миналаш, барча мамлакатлар блан дўстлик, савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ўрнатиш сиёсатини юргизиш мақсадида Латин Америкаси проблемаларини муҳокама қилмоқ учун 1955 йилнинг биринчи ярмида кенгаш чақиришни таклиф этди.

Куба санитария ходимлари касаба союзлари бирлашмасининг раиси Альберто Родригес Суст Куба халқининг зўр кўпчилиги яшаб турган шароитни характерлаб, бундай деди:

Биз қамоқ лагеридаги маҳбуслар сингари яшаб турибмиз. Четэл назоратчиси узоқдан бизни кузатиб турса, ўз хўжайнининг буйруғини бажаручи Куба назоратчиси бизни ёнимизда кузатиб турипти.

Аргентина ёзувчиси Варела Аргентинада тинчлик учун олиб борилаётган кураш ҳақида сўзлаб берди.

Бағдод университетининг профессори Салим Аҳмад кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан сўзга чиқиб, агрессив кучлар уруш тайёрлашга қаратилган ўз планларида Ироққа қандай ўрин бераётганликлари ҳақида гапирди. СССР ва халқ демократияси мамлакатлари теварагида халқа шаклида ҳарбий базалар ташкил қилиниши, бу ҳарбий системага Ироқнинг тортилиши, деди у, тинчлик ишига жиддий ҳавф туғдиради.

Сўнгра, Дания рухониси Уффе Хансенга сўз берилди. У, кун тартибидаги биринчи модда юзасидан гапирди.

Хансен Германиянинг парчаланиши ва ремилитаризация қилиниши натижасида тинчликка ҳавф туғилганлиги ҳақида, Германия проблемасини тинч йўл блан — музокаралар йўли блан ҳал этиш заруриятлиги ҳақида сўзлайди. Совет таклифлари, деди у, Германияни бирлаштириш ва тинчликсевар Германияни барпо этиш йўллари ҳақида музокаралар олиб бориш учун яхши асос бўлур эди.

Дания халқи Лондон ва Париж битимларига қарши э'тироз билдирмоқда. Копенгагенда фикри сўралган кишилардан фақат 5 проценти бу битимларни ёқлаб чиқди, 60 проценти эса Ғарбий Германиянинг ремилитаризация қилинишини қоралади; бошқалари бетараф қолди.

Хансеннинг нутқи блан сессиянинг кечки мажлиси тамом бўлди.

СССР Олий Совети делегацияси Финляндиядан жўнаб кетди

ХЕЛЬСИНКИ, 20 ноябрь. (ТАСС). Финляндия сеймининг таклифига мувофиқ, Финляндияда бўлган СССР Олий Совети делегацияси бугун ўз Ватанига жўнаб кетди. Делегацияга Олий Совет Иттифоқ Советининг раиси А. П. Волков бошчилик қилади.

Аэродромда делегацияни сейм раиси Фагерхольм, сейм раисининг иккинчи ўринбосари Куяла, ташқи ишлар министри Виролайнен, ташқи ишлар министрлиги ва «Финляндия-Совет Иттифоқи» жамиятининг мас'ул ходимлари кузатиб қолдилар.

Делегацияни СССРнинг Финляндиядаги элчиси В. З. Лебедев, Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатларининг дипломатия вакиллари ҳам кузатиб қолдилар.

Аэродром СССР ва Финляндия давлат байроқлари блан безатилган эди.

СССР Олий Совети делегацияси Финляндиядан қайтиб келди

СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети раиси А. П. Волков бошчилигида сейм таклифи блан Финляндияга борган СССР Олий Совети делегацияси 20 ноябрьда Москвага қайтиб келди.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА ШАШҚА МУСОБАҚАСИ

Биринчи даврада Ўзбекистон ССР чемпиони Ш. Ёқубов спорт мастери С. Петров блан ўйнади. Ёқубовнинг рақиби шашкани дамкага чиқаришга уринди. Бироқ Ёқубов усталик блан ўйнаб, ўйинни дуранг қилди. Спорт мастери Л. Хейф И. Гавриленко блан ўйнаганда оғир аҳволга тушиб қолди. Ўйинда Гавриленко ғолиб чиқиши керак эди. Аммо у хатога йўл қўйиб, ўйинни дуранг қилишга мажбур бўлди. Спорт мастерлари Е. Тюнев блан Н. Шутилкин шашка соҳасида энг усталардан ҳисобланади. Улар ўртасидаги ўйин узоқ чўзилди ва партия дуранг бўлиб тугади. Святой блан Гуляев ва Берштейн блан Канишчикер ўрталаридаги ўйин ҳам дуранг бўлди. Мусобақанинг биринчи даврасида бешта ўйин дуранг бўлиб тугади.

Иккинчи даврада Канишчикер Ёқубов блан ўйнаб, рақибига яхши қаршилик кўрсатди. Лекин у ўйиннинг ўртасида катта хатога йўл қўйди. Ёқубов эса рақибининг ҳужумига жавобан кучлироқ ўйнаб, ўйинни дуранг қилди. И. Гавриленко блан ленинградли С. Петров ўртасидаги ўйин қизғин давом этди. Петров ўйиннинг бошидаёқ рақибига кучли қаршилик кўрсатабошлади ва ўйинда ғолиб чиқди.

Москвали Л. Хейф С. Гуляев устидан ғалаба қозонди. Ленинградли Е. Тюнев блан П. Святой ўртасидаги ўйин 4 соат давом этса ҳам, дуранг бўлди. И. Берштейн блан Н. Шутилкин ўртасидаги ўйин ҳам дуранг бўлди.

Шундай қилиб, иккинчи даврадан сўнг 1,5 очкога эга бўлган Ш. Ёқубов, Л. Хейф ва С. Петров ўртоқлар биринчи ўринга ўтиб олдилар.

БИЛДИРИШ

Шу йил 29 ноябрь куни кеч соат 8 да Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар Уйида (1-нчи Май кўчаси, уй № 20) таржимонларнинг республика кенгаши очилади.

Кун тартиби:

«Бадиий адабиёт таржимаси масалалари ҳақида».

Докладчи — Асқад Мухтор.

Узбекистон Совет ёзучилар союзининг Президиуми.

Об-ҳаво ма'лумоти

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ҳаво ўзгариб туради. Ба'зи жойларда ёмғир ёғади. Температура 8—14 даража иссиқ бўлади. Тошкентда ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади, ёмғир ёғмайди. Температура 10—12 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XI да **Май тўкилди**, 24/XI да **Шоҳи сўзана.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, СОБИР РАҲИМОВ номли. «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги ҳинд бадиий фильми **Икки бигха ер.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — **Дайди** (1 ва 2-нчи серия).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
24 ноябрьда
10 қизиқчининг иштироки блан
КУЛГИ, ЮМОР, САТИРА КЕЧАСИ
Программада: кулгили парчалар, кўринишлар, ҳаз